O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

2007 йил 11 июль, чоршанба.

Миллий тиклаиш

Миллий тиклаиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

28 (411)-сон

Сотувда эркин нархда.

Ўрта Чирчиқ туман ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига бу йил 510 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган.

— Ўқув масканимизда 1147 нафар ёшлар таҳсил олишаётир, — дейди қабул комиссияси масъул ходими Дилафрўз Ортиқова. — Бу йил 542 нафар битирувчимиз катта ҳаётга йўлланма олишди. Янги ўқув йилига қабул бошланганидан буён 300 нафардан ортиқ йигит-қиз ўзлари қизиққан соҳалар бўйича ўқишга киришни истаб ҳужжатларини топширишди.

Азамат АҲМАД олган сурат.

«Устоз-шогирд» анъанаси

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Партиямиз сафларидаги зиёлиларнинг ҳаммаси бир нарсани — юртимиз келажаги бундан-да порлоқ бўлишини истайди, ёшларимиз тақдирига катта ишонч ва умид билан қарашади. Ёшим элликка яқинлашиб қолибди. Умримнинг кўп йилларини ёшлар таълим-тарбиясига бағишладим. Ўқитувчилик касбининг ёзилмаган, айтилмаган сир-асрорлари кўп. Ёшларга тўғри йўл кўрсатиб, уларнинг ҳаёт сўқмоқларида қоқилмай, адашмай илдам боришлари, орзулари сари интилишларига кўмак бериш ҳар бир устознинг бурчидир аслида. Мен ҳам баҳолиқудрат бу анъанани давом эттириб келаётганимдан мамнунман.

Ёшлар ҳаёти, ўқиш, иш фаолиятини кузатишга одатланганман. Уларни кўриб, ўзимча хулоса чиқараман. Шундай пайтда ёшлик йилларим ёдимга тушади. Талабалик даврим Россияда ўтди, ҳарбий хизматни эса Германияда ўтадим. Шўрчида туғилиб-ўсган бўлсам-да, хориж мамлакатларида — Ватандан йироқда ўқиб, хизматда бўлиш тақдиримга ёзилган экан. Она юртнинг қадрини, Ватан соғинчини ўшанда ҳис қилганман. Рус, немис ва инглиз тилларини ўргандим. Билганларимни ёшларга ўргатиб келаяпман. Турли йиллар давомида турли хил маърифат масканларида ишладим. Ҳозир Қумқўрғон агросаноат касб-ҳунар коллежида ёшларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаяпман. ЎзМТДП туман кенгаши шу ерда фаолият юритади.

"Миллий тиклаиш"га аъзо бўлган куним кечагидек эсимда. Партиянинг Устави, мақсад ва вазифалари билан танишиб чиққач, очиғи, анча таъсирландим. Ватандан олисда бўлган йилларимни эсладим. Зиёлилар сафига кириб, шу партияга аъзо бўлишимга ҳам дилимдан кечган туйғулар сабабчи бўлди, назаримда. Аъзолик билетини қўлга олар эканман, ғурурландим. Унинг жилдидаги "Миллий тиклаиш — ривожланиш, юксалиш, тараққиёт демакдир" сўзларини ўқиб, миллийлигимиз, асрий қадриятларимизни эъзозлаб, ёш авлодга етказишга бел боғлаганлар сафига кирганимдан севиндим. Ҳар бир инсон учун она диёрининг бағрида яшаш — энг буюк неъмат, энг катта бахтдир аслида. Бироқ биз бу ҳақда ҳамма вақт ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Энг бахтли инсон киндик қони тўкилган юртда яшаб, уни кўз қорачиғидай асраб-авайлагувчи кишидир. Дунёда Ватанидан йироқда юрганлар, юраги кемтик инсонлар қанча?! Шу тўғрида ўйласак, кўнглимиз ёришади. Ватанпарварлик ҳисси туғён уради қалбимизда.

Туман кенгашимизнинг коллежда жойлашгани анча қулайлик туғдиради бизга. "Ёшлар қаноти" иши яхши йўлга қўйилган. "Аёллар қаноти"миз ҳам кўнгилдагидек иш юритаётир. Буларнинг барчаси бизга шу ерда таҳсил олаётган, ишлаётганларнинг берадиган мадади, кўмаги натижасидир. Ўйлайманки, партиямиз ишини янада жонлантиришда унинг жойлардаги кенгашлари, бошланғич ташкилотлари кимлар билан ишлаши, қай манзилда бўлишига ҳам эътибор қаратиш зарур. Режалар пухта тузилиб, улар амалга оширилгандагина бундан-да самарали натижаларга эришишимиз мумкин.

Карим ТОШТЕМИРОВ, Қумқўрғон агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

Мулоҳаза

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Ўша куни Шербекнинг таҳририятимизга келиши баҳсга сабаб бўлди. У билан суҳбатлашиб бўлгач, бир ҳамкасбимиз шундай деди:

— Ўзи ақлли болаю, нимасидир ёқмайди-да.

— Нега ундай деяпсиз? — ажабланди иккинчиси.

— Тўғрисини айтсам, оиласи билан ажрашганларни жиним суймайди. Ақлли, зиёли йигитларнинг фарзандини етим қилиб, бошқа оила қурганини эшитсам қоним қайнайди.

— Ҳамма ҳам сиздек эмас, сиздек ўйламайди, — гап бошлади суҳбатдоши. — Оилани муқаддас билиб, рафиқасини, фарзандларини чин юракдан эъзозлайдиган инсонлар орасида бошқа тоифадагилари ҳам учраб туради.

— Ҳазрати пайғамбаримиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: "Аллоҳнинг ҳалол қилган нарсалари ичида Унга энг ёмон кўрингани талоқдир", — деб. Бу Аллоҳга ҳам хуш келмайдиган бир ҳол, — деди ҳамкасбимиз.

Шу ерда уларнинг гапи бўлинди. Икковлари хонадан ташқари чиқишди. Мен эса ўйга толдим...

Таҳририятимизга келини ё куёвидан шикоят қилиб келадиганлар учраб туради. Ҳеч ким синган пиёлани асл ҳолига қайтаролмаганидек, дарз кетган оила аталмиш кичик қалъани ҳам бегоналар бутун ҳолига келтиролмайди. Ёш келин-куёвларнинг ажралиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлимига мурожаат қилишларига нима сабаб бўлмоқда? Умуман ажрим масалалари қандай ҳал этилмоқда?

Шундай саволлар билан пойтахтимиздаги Бектемир тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Холида Акромовага мурожаат қилдик. У кишининг айтишича, туманда 30 минг аҳоли истиқомат қилади. Шу йилнинг январь ойидан то ҳозирга қадар 16 ажрим иши ҳал қилинган. Булардан 13 нафарида фуқаролар ўз аризасига биноан ажралишган. Оила кодексида ёзилганидек, асосан фарзанди бўлмаган, талашадиган мол-мулки бўлмаган ёки фарзандлари вояга етган тақдирда иш ФҲДЁ томонидан кўрилади.

— Эр-хотин ўз розилиги билан ариза берганда, уларнинг иши уч ой давомида ҳал этилади, — дейди Холида опа. — Бу вақт мобайнида биз уларнинг шароитларини ўрганган ҳолда суҳбатлар олиб борамиз. Керак бўлса ота-оналарини таклиф қилиб тушунтириш берамиз. Оилаларнинг ажралишмай, тинчтотув яшаб кетишлари учун қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Ажрим ҳал этилган 13 оиланинг иши билан танишганимда, улар асосан турли миллат вакиллари экани эътиборимни тортди. Масалан, 28 ёшли йигит ва 39 ёшни қоралаган уйғур миллатига мансуб аёл уч йил турмуш қуришган. Фарзандлари бўлмагани сабабли ажрашишган. Йигирма етти йил бир ёстиққа бош қўйган корейс оиласига мансуб фуқароларнинг фарзандлари вояга етганда феъл-атвори шунча йилдан сўнг бир-бирига тўғри

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Самарқанд туман кенгаши "Ёшлар қаноти" туман ёшлар ижодиёт маркази билан ҳамкорликда сўлим тоғ бағридаги "Сайёра" болалар оромгоҳида учрашув ташкил қилди.

* * *

Жарқўрғон туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида партиянинг туман кенгаши фаоллари билан битирувчиларнинг учрашуви ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туман кенгаши 46-умумтаълим мактабида "Шаббоз", "Ибн Сино", "Турон" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан давра суҳбати ўтказди.

* * *

Норин туман партия кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлардаги хотин-қизлар иштирокида "Қувноқ стартлар" спорт мусобақаси ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Шеробод туман кенгаши "Хотин-қизлар қаноти" хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман марказий шифохонаси билан ҳамкорликда кўрик-танлов ташкиллаштирди.

* * *

Наманган шаҳар партия кенгаши томонидан "Меҳнатобод" маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши "Хотин-қизлар қаноти" партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда "Маданият" ҳамда "Рудакий" маҳаллаларида "Экология ва маҳалла", "Экология ва аёллар" мавзуида учрашувлар ўтказди.

* * *

Ангор туман партия кенгашида «Маънавий баркамоллик — тараққиёт пойдевори" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят ҳамда шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб ёшлар ўртасида мини-футбол бўйича турнир ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

СЕНИ ЖОНДЕК АСРАЙИН, ВАТАН...

Тонг чоғи Самарқанд томон йўлга чиқдим. Қушдай учиб кетаётган «Нексия»нинг ярим очиқ ойналаридан ғир-ғир шабада ичкарига уфуриб киради, юзларимни сийпалаб ўтади. Ҳузурланиб атрофга боқаман.

Ям-яшил ғўза пайкаллари, олтин тусли буғдойзорларда ҳаёт қайнайди. Йўл четларида саф тортган олмазор боғларнинг адоғи йўқ. Қирмизи мевалар «мени узиб ол» деяётгандек шохларида солланади.

Йўл четида тартиб билан қурилган муҳташам иморатлар кўзга ташланади. Уларнинг пештоқидаги ёзувлар тонг офтобида товланмоқда. «Супермаркет», «Хусусий дўкон», «Мини маркет», «Спорт мажмуи», «Компьютер маркази», «Оталар чойхонаси»... Бинолар дарвозасидан хорижча русумдаги турли машиналар кириб-чиқиб турибди. Буларни кўриб кўнглим ўсади. Ўйлайман, менинг юртим ўз мўъжизалари билан дунё нигоҳини тортаётгани рост!

«Нексия» елдек учади. Унинг ойналари орқали узоқларга тикиламан. Энди яйдоқ далалар бошланади. Оловранг кўйлакли қизалоқлар, дўпписини бошига қия қўндирган болакайлар, маслаҳатгўй боболар, дуогўй момолар... Барчасининг чехралари яшнаб, кўзлари чарақлаётганини кўриб тургандек бўламан. Хаёлан уларнинг суҳбатларига қўшиламан.

— Хориждаги университетда ўқиб қайтаман, — дейди йигитча.

— Мен интернет тармоғига уланиб, чет эл хиёбонларини сайр қиламан, — дейди қизалоқ.

— Ҳосил бу йил мўл бўлади, дастурхонларимизга ризқу барака оқиб киради, — дейди деҳқон бобо.

— Шу улуғ кунларга етказганинг учун ўзингга шукр, — дея ҳовучларига дуо ўқийди момо.

Чексиз далаю даштлар эса уларнинг чиройли орзуларидан янаям яшилланиб кетгандай туюлади менга. Қалбим завқ-шавққа тўлади. Бу ҳудудсиз кенгликларни бағримга босиб, кўзларим ичига жойлагим келади. Вужудимда ҳаяжон аралаш титроқ туради.

«Бу Ватан меники», дея пичирлайман ўз-ўзимга.

Ана шу атласранг далалар, суви зилол анҳору қўллар, мевалари болдек ширин боғ-чорбоғлар, анвойи исли қовунлари тарс ёрилиб пишган полизлар, бошоқлари мўл-кўл буғдойзорлар — менинг Ватаним!

Менинг муқаддас тупроғим...

Бу тупроқда мард ва ориятли боболарим хоки бор.

Сеҳрли ўланлар айтиб, бармоқлари учида мўъжиза яратган чевар момоларим хоки бор.

Тилини кессалар ҳам, танасини тилка-пора қилсалар ҳам ғанимга бўйин эгмаган не-не ботирларимиз шу тупроқ бағрида ётибди. Дунё бўйлаб от сурган ҳукмдорлар, юртни муқаддас дуолари билан сақлаган авлиё ва алломалар, неча юз йиллар ўтса-да, ғазаллари тилдан тушмаётган шоиру шуаролар, «сен элнинг боласи бўл», деб аллалар айтган фариштасифат момоларимиз хокига макондир бу замин!

Юрагим ҳаприқа бошлайди.

«Биз улардек бўлишимиз керак!», — дейман ўз-ўзимга.

Ўзига ёмонлик қилганларни ҳам кечириб, душманга яхшилик соғинган боболаримга ўхшагим келади. Юмшоқфеълли, ширинзабон, майин нигоҳли момоларимга ўхшагим келади.

Эсимда, болалигимда момомдан эртак сўрасак, «Маликаи Ҳуснобод»ни сўзлаб кетарди. «Буни кўп эшитганмиз, бошқасини айтинг», — дердик.

— Маликаи Ҳуснобод камбағал хонадонга келин бўлибди, бир дона олтин балдоғини соттириб шу жойда янги шаҳар қурибди. Аёл боши билан шундай тадбирли бўлган-да! — дерди момом, сўнг яна эртакни қайтадан сўзлаб кетар эди. Укаларимга эса «Рустам Достон»ни тинмай гапирарди. «Душманни бир қўли билан икки газ юқорига кўтариб, сўнг ерпарчин қилган, кучи кўп бўлганда!», — дер эди момом.

Энди ўйласам, ўшанда момом биз қизларнинг Маликаи Ҳуснобод каби тежамли, тадбирли бўлишимизни истаган, укаларим худди Рустам каби паҳлавон бўлишларини орзулаган экан!

«Тинч ётинг, моможон, сиз орзу қилган замонлар келди», — дейман мен.

Бу — ҳақиқат. Ўзбек аёллари тадбиркорлик санъатини дунёга кўз-кўз қилаётир. Йигитларимиз чет эллик полвонларга ғолиб келиб, юртга олтин нишонлар билан қайтишаяпти. Халқаро кўрик-танловларда қатнашиб, мукофот олаётганлар сафида ўзбекистонлик иқтидорли болалар жуда кўп.

Бу кун юртнинг ҳар жойида силжиш, ўзгариш, мўъжизалар юз бермоқда.

«Нексия» шамолдай елади. Мен шаҳардан ўтиб бораман. Ён-атрофимдаги худди эртаклардагидай гўзал манзаралар эътиборимни тортади. Қуёш билан бўйлашган миноралар, қайта сайқалланиб жилоланган мақбара-ю масжидлар, зар кошинли мадраса-ю расадхоналар ўз чиройи билан кўзларни қамаштиради. Бу жойлар бир вақтлар уюм-уюм тепаликлардан иборат эди. Кимларнинг хоки тупроққа қўйилганидан бехабар эдик. Истиқлол йилларига келиб билсакки, бу азиз масканларда эрк йўлида жонидан кечган табаррук зотлар ётган экан. Эндиликда хароба тепаликлар ўрнида мармар ёдгорликлар ўрнатилди, атрофи ободонлаштирилди, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди...

Чўнтак телефоним оҳиста жиринглайди.

Қулоқ тутаман.

— Опа, йўлга чиқдингизми? — укамнинг товуши аниқ-тиниқ эшитилади.

— Ҳа, бораяпман.

— Яхши. Мен ҳозир даштда экинзорни суғораяпман. Сиз етиб келгунингизча уйда бўламан.

Жажжи телефонни ғилофига солгач, ўйга толаман. Бундан йигирма йилларча аввал — Тошкентга эндигина кўчиб келганимизда шу укам бизни тинимсиз йўқлаб турарди.

— Опа, сизга телефон қилиш учун автобусга ўтириб, туман марказига келдим, мана уйда экансиз, улгурдим, — дерди у ҳансираб.

— Ишга бормадингми? — дердим мен.

— Икки-уч соатга рухсат олдим.

Мен уни қойирдим. «Ишингдан кечикма», дердим. Орадан йиллар ўтиб, у далаю даштдан туриб менга сим қоқиши мумкинлиги ва мен йўлда машинада кетаётиб унга жавоб қилишим илгари кимнинг хаёлига келган эди?

Истиқлол бизга катта имконият эшигини очди. Олис манзиллар яқин бўлди. Мустақиллик жамики илм хазиналарининг калитини қўлимизга тутқазди. Бу илм, худди булоқ суви кабидир, тўйиб-тўйиб ич, дегандек бўлди гўё. Илм денгизи ҳадсиз-ҳудудсиз, биз шу денгиз ичра сузаётган ғаввосларга ўхшаймиз бу кун.

«Эркак илмли бўлса, фарзанд илмли бўлади, аёл илмли бўлса, миллат илмли бўлади», деган экан донишмандлардан бири.

Давраларда бу кун аёлнинг сўзи ўткир, мушоҳадаси теран.

У илмнинг хосиятини чуқур англайди.

Бугуннинг ҳар бир кишиси «Фарзандларим билимдон бўлишса, маҳалла, юрт, жамият ҳам тез равнақ топади», дея фикр юритади.

Ва ўзи ҳам шунга амал қилади. Биладики, шу йўлдаги саъй-ҳаракатлари оилага саодат олиб киради, уни бахтга яқинлаштиради!

Манзил томон яқинлашарканман, ҳаяжоним баттар кучаяди. Шеърий сатрлар худди ипга тизилгандек хаёлимдан бирма-бир ўтаверади:

Тонгларнинг зумуррад нурига
Йўргаклаб сен мени улғайтдинг.
Кўзимнинг минг бир хил рангида
Ардоқлаб, сўнг сени улғайтдим,
Ватан.
Бахт излаб югурган ҳар бир жон,
Келиб оёғингга йиқилар.
Сувратинг акс этган қуёшдан
Қалбимга шуълалар тўкилар,
Ватан.
Навқирон дарахтсан — илдизинг,
Курраи заминга ёйилган.
Севиб ҳар майсаю гиёҳинг,
Меҳрингдан куч олиб яшайман,
Ватан.
Бағрингда гул янглиғ очилдим,
Сочилсам кўксингга сочилай.
Ёв келса тиғ бўлиб санчилгум,
Мен сени асрайин жонимдай,
Ватан!

Озодлик кўзларимга тўтиё, кўнгилларимизга малҳаму зиёдир. Унинг ҳар лаҳзасини асраб-қадрлаб яшасак дейман. Бу лаҳзалар асрларга бўйлашиб шу улуғ миллат шаънини, шавкатини улуғ қилгай. Ана шу улуғликнинг бир зарраси эканимдан ғурурланаман.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Газетамизга 2007 йилнинг келгуси ойлари учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Орамиздаги одамлар

БАҲРОМЖОННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Иброҳимжон Раҳимов қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик тараққиётига муносиб ҳисса қўшган инсонлардан. У ишни ҳосилотликдан бошлади. Турмуш ўртоғи Дилбархон аввал ҳисобчи, сўнг пахтани дастлабки қайта ишлаш корхонасида меҳнат қилди. Иброҳимжон ва Дилбархон олти нафар ўғил-қизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Фарзандларининг барчаси аълога ўқиб, олий ўқув юртини битирди. Ҳозир улар ўзлари танлаган соҳа бўйича ишлашяпти.

— Ўғил-қизларимнинг бари ҳаётда ўз ўрниларини топганларидан хурсандман, — дейди Иброҳимжон. — Ҳаммасидан ҳам олимликка ҳавас қўйган Баҳромжоннинг эришган ютуқларидан бошимиз осмонда.

Баҳромжон ёшлигидан кўп китоб ўқир, 9-синфни тамомлаб Косонсой туманидаги Қўқумбой коллежига ўқишга кирди. Кейин армия хизматига бориб, йигитлик бурчини ўтади. Қайтиб келгач, Андижондаги институтда таҳсил олди. 1998 йили уни Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтига ўқитувчиликка таклиф қилишди. Ўшандан буён унга бу даргоҳ қадрдон. Доимо изланишда бўлгани сабаб устозлари уни ёнларига чорлашди. Ва у 2001 йили институт қошида янги очилган аспирантурага биринчилардан бўлиб қабул қилинди. "Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари бозорини ривожлантириш" мавзуидаги илмий тадқиқот устида иш бошлади. Бу ишда унга устозлари Рустамжон Исроилов, Икромжон Рафиқовлар бош-қош бўлишди.

— Ўзим қишлоқда туғилиб ўсганим боис, тармоқдаги қийинчиликларни, муаммоларни дилдан ҳис қиламан, — дейди Баҳромжон. — Шу сабабли, илмий тадқиқотимдаги фикрларни ишлаб чиқаришдан олдим. Ғояларимни туман, вилоят, сўнгра республика миқёсидаги натижалар билан мунтазам таққосладим, босқичма-босқич синовлар ўтказдим. Буларнинг ҳаммаси илмий ишимни ниҳоясига етказишда ёрдам берди.

Бу ҳақда вилоят касб-ҳунар коллежлари бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди, доцент Рустамжон Исроилов шундай дейди:

— Мамлакатимиз иқтисодиётида бозор муносабатларининг қарор топиши барча жабҳалардаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо қилмоқда. Шу жиҳатдан, хўжалик юритишда истиқлол йилларида мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши ўз-ўзидан янгиликларга йўл очди. Эндиликда фермерлик истиқболли дея тан олинди. Шогирдимнинг изланишлари бозор муносабатларининг қишлоқ хўжалигида қарор топишида талаб ва таклиф мутаносиблигини қамраб олган. Молиявий ҳолат, техника таъминоти, маҳсулот етиштириш, сотиш, ёқилғи-мойлаш, транспорт харажатлари, пулнинг қадрсизланиши ва шу каби бир қанча муаммолар ечими устида изланган ёш олимнинг натижалари таҳсинга сазовордир.

— Баҳромжон Раҳимов тадқиқотининг натижалари вилоятимиздаги қишлоқ хўжалик корхоналарида янгилик сифатида жорий этилган, — дейди НамМИИ ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, доцент Рустамжон Муродов. — Ёш олимимиз Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясида, Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтида ва бошқа олий ўқув юртларида ўтказилган республика, халқаро илмий анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашди. Унинг фандаги изланишлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг равнақ топишида қўл келиши шубҳасиз.

Яқинда Қўқумбой қишлоғининг Навбаҳор маҳалласида яшовчи Раҳимовлар хонадонида катта тантана бўлди. Бу ерга Баҳромжоннинг ёр-дўстлари, устозлари, ҳамкасблари йиғилишди. Ёш олим игна билан қудуқ қазишдек машаққатнинг ширин мевасини яқинлари қуршовида тотди. Баҳромжон Раҳимов иқтисод фанлари номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади. Эл-юрт орасида меҳнатлари билан ҳурмат қозонган ота-она унинг эришган натижаларидан бугун фахрланиб яшашмоқда.

Абдунаби АБДУҒАНИ ўғли.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

келмаган. Шу миллатга мансуб 53 ёшли эркак 25 йиллик умр йўлдоши, вояга етган фарзандларини кўзи қийиб, бошқа оиласи борлигини айтиб ажрашишган.

Эътиборимизни яна бир воқеа тортди.

Эллик ёшли ўзбек миллатига мансуб эркак уч нафар фарзанди, мўмина аёлидан воз кечиб, бошқа аёл билан турмуш қурган. Лекин иккинчи турмушидан фарзанд кўрмаган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яна аввалги оиласига, фарзандлари олдига қайтган. Бу вақт ичида фарзандлар уйли-жойли, ҳатто фарзандли ҳам бўлишган.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундай тақдирларни кўрганда беихтиёр ўйга толасан, киши. Эндигина турмуш қурган ёш оила бир йил ҳам ўтмай ажралишади. Сабаби — оддий келишмовчилик. Тақдир, пешона деб ўзимизни гоҳо овутаётганга ўхшаб қолмаяпмизми? Ҳеч нарсага осонлик билан эришиб бўлмаганидек, ҳаётда бахтли яшаш учун ҳам синовларга бардош бериш керак эмасми? Аллоҳ ҳам энг суюкли бандаларим кечиримли ва сабрлилари демаганмиди. Қон-қонимизга сингиб кетган кечиримлилик туйғуси бўлса-да, нега ажримгача боряпмиз?

Фақат ўзим бўлай деб иккиси икки томонга қараб интилаётган эр-хотин кўз олдимдан ўтади. Яхши ниятлар билан турмуш қурган фарзандлари бахтини кўришга муштоқ ота-оналарнинг ниятлари ҳам чилчил бўлади. Аслида уларда ҳам айб бор.

30 ёшли эркак аёли билан ажрашиш учун ариза беради. Келиннинг онаси куёвининг ўзга давлатда ишлашидан арз қилади.

— Хўш, — дебди Холида опа, — куёвингиз оиласини боқиш учун пул топса, бунинг нимаси ёмон? Гапингизга қараганда, унинг бошқа айби йўқ.

Она ўйга толибди. ФҲДЁ мудирасининг маслаҳати билан улар ажрашмасликка келишишибди. Бу ҳолатда ишлар яхшилик билан тугаган. Аммо ажрашаётган оилаларнинг ҳар бирида ҳеч бўлмаса биттадан фарзанд бор дея ҳисобласак, олти ой давомида биргина туманнинг ўзида 16 нафар фарзанд етим қолган. Агар бу рақамни ҳар бир туманга кўпайтирсак, қанча бўлади?

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, Юртбошимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам жамият асоси бўлмиш оила мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Ранглар жилоси

МУСАВВИРНИНГ КЎНГИЛ СИРЛАРИ

Руҳият чегара билмайди. Айниқса, ижодкорнинг руҳий оламида кечадиган жараёнлар жуда ўзгарувчандир. Ҳар қандай мусаввирнинг ижодхонасига кириб борар экансиз, бир қарашдаёқ шундай хулосага келишингиз тайин. Туйғулар оламига ижодкор инсоннинг қалбида кечаётган тошқинлар, кўнгил йўлларидаги нотекисликлар бир вақтнинг ўзида соя солади, ҳам нур беради. Покиза ҳисларига ишонган, туйғулари билан дўстлашиб қолган ижодкор ўзини бошқа оламга тушиб қолгандек сезади. Ана шу жараёнда энг нодир асарлар яралади.

Илҳом ҳолатини кўпчилик тадқиқотчилар ўзлари тушунганича баҳолашади. Аслида ижодкорнинг кўнгил оламида кечадиган туйғулар бироз бошқачароқ кўринишда бўлади. Буни яхши ҳис қилиш учун ижод кишисининг юрагига яқинроқ бориш, уни кўпроқ кузатиш керак, назаримда. Узоқ йиллар давомида моҳир мусаввир Муборак Йўлдошевнинг ижодини кузатиб келаман. Унинг кўнгил дунёсидаги бетакрорликларга ҳавасим келади. У чизган суратлар ўзига хослиги билан эътиборимни тортади доим.

Рассом ҳаётдан олган таассуротини этюдда жамлар экан, бу лавҳа унга хомашё сифатида асқотади. Шу хомаки материалдан таъсирланиб чизилган тасвир ўша пайтнинг ўзида тугал асарга айланмай қолиб кетса, орадан ўн йиллар ўтиб ҳам у мусаввирни безовта туйғулари оламига яна бошлаб киради. Ўшанда ижодкор кўп нарсаларни эслайди. Хотиралар тўзони ичида қолиб кетади. Бу лавҳани чизишда қўйилган биринчи қадам қайсидир маънода тугал асар дунёга келишига туртки бўлади. Мусаввирнинг ҳаёти ана шундай талотўплар, руҳият оламидаги ички тортишувлар билан ўтади. Асар тугаллангач эса ҳаммаси унутилади. Янги ижодий жараён бошланади. Ана шу асар бир пайтлар келиб бошқаларнинг назарига тушади. Атрофдагилар мусаввирни ўзларининг дунёқарашларидан келиб чиқиб ҳар хил тушунишади. Қимдир унинг хаёлида, кўнглида кечган туйғуларни худди унинг ўзи ҳис қилгандек тушунса, бошқа биров суратни кўриб, мутлақо бошқа нарсани ҳис қилади.



Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошев 40 йиллик ижод йўли давомида ҳаётдан таъсирланиб юзлаб асарлар яратди. У ишлаган асарларнинг ҳаммасида ҳам инсон руҳиятининг кечинмалари ўз аксини топган. Рассомнинг шахсий кўргазмаларини кўп бора кузатганман. Мусаввир доимо ўз таассуротларини қалбининг тубида туғилган туйғулар билан омухталаштириб ишлашни хуш кўради. Буни унинг асарлари билан танишиш давомида англаш қийин эмас. Устахонасида ўтириб янги асарлари устида ишлар экан, уни қандай туйғулар безовта қилиши мухлислари учун, албатта, қизиқарли. Буни тўла ҳис қилиш учун у чизган суратларни эътибор билан кузатиш, нафақат кузатиш, балки қалбан тушуниш кифоя, назаримда. Йиллар давомида тўпланган тажриба рангли бўёқлар ёрдамида ишлашда қўл келади.

Келинг, биргалашиб хаёлан рассом устахонасида ўтириб уни четдан кузатайлик-да, чала қолган суратни қайта ишлаш жараёнини кўриб чиқайлик. Олдинги вариантда айтилмай қолган фикрлар янги асарда қайта жонланади. Поёнига етмай қолган жиҳатлар вақт ўтиши билан жонланиб, янги имкониятлар юзага чиқади. Бу туйғу ижодкорни янги ижодий қутблар томон бошлайди. У илҳом ҳолатининг чўққисига ранглар қатламидан керакли ларини танлаб олиб, бир дақиқанинг ўзида юз берадиган иккиланишлардан ўтиб етиб келади. Ички дард туғёни юракка сиғмай, қоғозга тўкилади. Юрак ҳарорати билан чизилган суратлар тарихга муҳрланиб қолади. Интилишлари, орзу умидларини ранглар воситасида жонлантириш унинг кўп вақтини олади. Аслида вақт ўтгани сезилмайди. Сурат ниҳоясига етгач, ҳаммаси бир зумда юз бергандек таассурот қолдиради унинг дилида. Руҳий сафарбарлик унинг кучқувватини, таъбир жоиз бўлса, кунлар, ойлар давомида тўплаган ички энергиясини йўқотади. Бу жараён баъзида тугал асар пайдо бўлиши билан якунланмайди. Яна дардлар ҳосиласи чала қолади.

Эртаси куни унинг кўнгли йўқотилган ички энергиянинг ўрнини тўлдиришга эҳтиёж сезади. Рассом "Рамаяна", "Маҳобҳорат", "Рембрандт", "Одиссея" ва бошқа ўзи қизиққан тақдирлар ҳақидаги фильмларни кўра бошлайди. Янги-янги қарама-қарши фикрлар, бетизгин ўйлар, яхши ғоялар пайдо бўлади. Бир неча кун шу туйғулар билан яшаган кўнгилда рангин ҳолатлар юзага чиқади. Ҳар бир асар шундай туғилади. Ижодкор руҳиятидаги ғалаёнлар фикрлар оқими билан ўрин алмашинади.

Мусаввирнинг "Бибихоним орқасидаги чойхона", "Оқ тош" каби этюдлари орадан 30-40 йил ўтгач, аста-секин кейинги яратилажак асарлари сюжетига кўчмоқда. Аслида бу ҳолат ўзини такрорлаш эмас, ўша кайфиятни соғинишдир. Кўнгил тубида туғилган туйғуларни ранглар орқали акс эттириш истаги ижодкорни тинч қўймайди. Онгда кечадиган бир сонияли иккиланиш ҳам холстда ўз аксини топади. Қарама-қарши ҳиссиётлар жанги, ички туғёнлар тўқнашуви сафарбарликни талаб қиладиган фидокорона жанг майдонидир. Ҳар бир ҳолатни поёнига етказиш керак аслида. Бунинг учун эса чидам билан изланиш, узоқ вақтли меҳнат жараёни талаб этилади. Бу эса мусаввирнинг жисмоний, руҳий ҳолати учун жуда қимматга тушади. Шунга қарамасдан, ўйланган ҳолат мато юзасига кўчгач, топилган бахтиёрлик, руҳий парвозга ҳеч қандай қувончни тенглаштириб бўлмайди.

Тонг. Одамлар ҳали уйқудан уйғонмаган пайт. Ёки тунги сукунатдан холи бўлмаган табиат тасвирини чизиш учун мусаввир руҳий оламида яна янги ўзгаришлар бошланади. Бир сўз билан айтганда, хаёлдаги ҳолатни поёнига етказиш учун мана шундай руҳий ҳолатлар, тинимсиз меҳнат, сурункали изланишлар керак бўлади. Рассом ижодхонасида ўтириб ана шуларни ҳис қилдим. Мусаввирнинг кўнгил сирларини англагандек бўлдим.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ.

Ёшлар ва мозий

КАРМАНАДА ЯНГИ КОШОНА

Бугунги кунда Навоий вилоятининг ҳар бир туман ва шаҳрида кўплаб коллежлар фаолият кўрсатмоқда. Кармана туманидаги Ҳазора қишлоғида қад ростлаган маиший хизмат кўрсатиш коллежи ташкил этилганлигига эндигина уч йил тўлди, бу йил илк қалдирғочлар учирма бўлади.

Ўтган давр мобайнида ёшлар қишлоқ хўжалиги, транспорт, тикувчилик каби соҳаларга оид мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Бу йил коллежни 170 талаба битиради. Улар йигирмага яқин корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтадилар. Қайд этиш лозимки, бу фурсатда коллеж фаолияти янада такомиллашди, кўркам ва обод зиё масканига айланди. Ёшларнинг тарихи бир неча минг йилларга тенг, азиз авлиёлар яшаб ўтган бу қадимий гўша — Ҳазора ободончилигига қўшаётган ҳиссалари ҳам таҳсинга лойиқ.

Ҳазорада яшаб ўтган, "пирлар пири" дея ном қозонган бобокалонимиз Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний қадамжоси вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан, корхона ва ташкилотлар ҳомийлигида, фидойилар томонидан қайта таъмирланди, мусулмон оламида таниқли шахс қабри, мадраса, чиллахона ва бошқа тарихий обидалар тикланиб, мажмуага айлантирилиб, муносиб кўриниш касб этди.

Бу хайрли ишда коллеж жамоаси, айниқса, йигит-қизлар савобталаблар сафида бўлиб, ғайрат-шижоат кўрсатдилар. Улар сўнгги тўрт ой давомида машғулотлардан кейин, ҳар куни 50-60 нафардан гуруҳлар тузиб, қурилиш, ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этишди. Бугун кўҳна Ҳазора янада кўрк ва чирой очиб, аслиятини тиклаётир.

— Бу юмушлар ёшларнинг ўрганаётган касб-ҳунарларини амалиётда мустаҳкамлаш билан бирга, уларга маънавий-маърифий сабоқ ҳамдир, — дейди коллеж директори Зоир Саидов. — Тарихини, улуғларини қадрлаган ёшларнинг келажаги порлоқ, Ватани буюк бўлади!

Ҳа, коллеж раҳбарининг сўзларида маъно кўп. Сиру синоатларга бой мозий, дориломон замона ва орзу-умидли келажак уйғунлашиб, миллат қадри, ғурури юксалмоқда.

Бахтиёр ТЕМУР, "Миллий тикланиш" мухбири.

Юртимиз зиёлилари

ЭЛ КОРИГА ЯРАШ БАХТИ

Мунира Қориева тўғрисида гап кетганда кўпчилик самимий, кўнгли очиқ, ўз ишининг билимдони деб таъриф беришади. Дарҳақиқат, шундай. Опа билан дастлабки учрашгандаёқ бунинг шоҳиди бўлиш мумкин. У кишидаги камтаринлик, оддийлик, ғайрат-шижоат кишини ўзига тортиши шубҳасиз.

Мунира опа ёшлигидан отаси каби фармацевт бўлишни орзу қиларди. Падари бузруквори Жўра ака Лутфуллаев бутун умрини фармацевтика соҳасига бағишлаган, юртимиздаги шу соҳанинг билимдонларидан бири эди. Эзгу ният опани Тошкент фармацевтика институтига олиб келди. Олий ўқув юртини муваффақиятли битиргач, пойтахтимизнинг Кўкча даҳасидаги 5-дорихонада иш бошлади. Ўз фаолиятини оддий ходимликдан бошлаган Мунира Жўраевна дорихона мудирлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Кейинчалик уни отаси ишлаган Бешёғочдаги 10-дорихона мудирлигига тавсия қилишди.

Мустақилликнинг илк йилларида фармацевтика соҳасида аҳвол мураккаб эди. Собиқ иттифоқ тарқалгач, иқтисодий алоқалар узилган, дорихоналар пештахталари бўшаб қолганди. Мунира Жўраевнанинг иш фаолияти айни шу даврга тўғри келди. Дори-дармонга талаб катта. Нима қилиш керак? Масалани қандай ечиш мумкин? Ахир, одамларнинг бу борадаги эҳтиёжини қондириш керак-ку?

Дастлаб ҳукумат дорихоналарни хусусийлаштириш тадбирларини амалга оширди. Мунира опа ишлаётган Бешёғоч даҳасидаги дорихона ҳам республикамизда биринчилардан бўлиб хусусийлаштирилди. Демак, энди эркин фаолият юритиш учун бир оз бўлса-да, қулайлик яратилди.

Бир куни Мунира опанинг қабулига бир отахон келди. Суҳбатлашиб ўтиргач, у киши шундай деди:

— Қизим, халқимизда "Иссиқ жоннинг иситмаси бор" деган мақол бор. Наҳотки одамлар дори тополмаса? Ахир, ҳукуматимиз барча шароитларни яратиб берган бўлса, бирор йўлини топсаларинг бўлади-ку!

Отахоннинг гапи опани ўйлантириб қўйди. Дарҳақиқат, масала эл соғлиғи билан боғлиқ эди. Буни ҳаёт тақозо қиларди. Опа ишга дадил киришди. Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидан маҳсулот айирбошлаш ҳисобига дори-дармон олиб келишни йўлга қўйди. Унинг бу иши тезда жамоатчилик назарига тушди. Мутасаддилар опанинг бу ишини қўллаб-қувватлашди ва зарур ёрдам беришди. Аста-секин ишда ижобий томонга силжиш сезилиб, одамларнинг дори-дармонга бўлган талаби қондирила бошланди.

Лекин энди Мунира Жўраевнани бошқа муаммо ўйлантирарди. Биринчидан, четдан маҳсулотлар валюта ҳисобига олиб келтирилаяпти. Демак, мамлакатнинг катта миқдордаги хазинаси четга чиқиб кетяпти. Наҳотки дори воситаларини ўзимизда тайёрлашнинг имкони бўлмаса? Ахир, шунда юзлаб одамлар иш ўрни билан таъминланади. Опа шу мақсадда хориждаги нуфузли фирма ва компаниялар фаолияти билан қизиқди. Бир неча бор хориж сафарларига боришга тўғри келди. Ниҳоят, польшаликлар билан ҳамкорликда дори воситалари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил қилинди. Айни пайтда Олмалиқ шаҳрида "Jurabek Laboratories Ltd" корхонаси фаолият кўрсатиб, унда 300 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган дори-дармонлар қўшни давлатларга экспорт ҳам қилиняпти.

Бугун пойтахтимизнинг Бешёғоч даҳасидаги "Жўрабек" дорихонасини нафақат тошкентликлар, балки республикамизнинг бошқа ҳудудидагилар ҳам яхши билишади. Сабаби, бу ердаги дори воситаларининг кўплиги, уларнинг сифатлилиги, кафолатланганлиги ва ходимларнинг хушмуомалалиги ҳар бир кишининг эътиборини тортиши шубҳасиз.

Бугун Мунира Қориева Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида фаолият кўрсатиб, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси ҳисобланади. Опа қонун ижодкорлиги билан шуғулланиб, бир қатор қонунлар ва муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлашда фаол иштирок этмоқда. Унинг сиёсат соҳасидаги фаолияти ҳам қизиқарли.

— Мен Мунирахон Жўраевна билан парламент қуйи палатасидаги "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясида фаолият кўрсатаётганимдан хурсандман, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъно-жон Зарипова. — Кўпгина қонун ва лойиҳаларни, муҳим ҳужжатларни биргаликда муҳокама қиламиз. Мунирахондаги фаолликни, шижоатни жуда қадрлайман. Бу хислатлар бошқа депутатларимизга ҳам ўтишини хоҳлардим.

Биз Мунира Жўраевна билан у кишини ўйлантираётган муаммолар тўғрисида суҳбатлашдик.

– Ҳозирги глобаллашув даврида ахборот хуружи, мафкуравий фаолият, болалар тарбияси мени ўйлантириб келади, — дейди Мунира опа. — Бу борада асло бўшлиққа йўл қўймаслигимиз керак. Акс ҳолда у, аста-секинлик билан бўлса-да, кучайиб, жамиятимизга жиддий зарар етказиши мумкин. Мамлакатимиз раҳбари ҳам буни ўз маърузаларида қайта-қайта таъкидлаётганлиги бежиз эмас. Юртимизда кейинги пайтда таълим соҳасига катта эътибор бериляпти. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастури" ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Мамлакатимизда хориждаги нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари кўпаяётганлиги ҳам қувонарли ҳолдир, албатта. Лекин уларнинг сонини янада кўпайтириш керак, деб ўйлайман. Сабаби, ёшлар маҳалласи, оиласи ва миллий менталитетидан ажралмаган ҳолда билим олишса, ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишади. Уларнинг турли соҳалардаги фойдаси катта бўлиб, давлатимизга ҳам наф келтиради. Буни амалиётда бир неча бор кўриб, ишонч ҳосил қилганман. Мен кейинги пайтдаги ёшлар билан фахрланаман. Улар бир неча тилни ва ўз соҳасини мукаммал билишади.

Болалар тарбиясида ҳам муаммолар бор. Масалан, боғча ёшидаги баъзи болалар турли хил ўйинлар ёки компьютерлар орқали хорижликларнинг бизнинг дунёқарашимизга ёт бўлган қаҳрамонларининг исмини яхши билишади. Ваҳоланки, улар Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа саркарда ҳамда шоирларимиз ёки улар яратган миллий қаҳрамонларимизнинг исмларини дилларига жойлашса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда бола миллий руҳда тарбияланади.

Шунингдек, ўйинчоқлар масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Миллий руҳдаги ўйинчоқларни тайёрлаш вақти келди. Бу масала баъзилар учун арзимас бўлиб кўринса-да, лекин унинг аҳамияти жуда катта.

Мунира Жўраевна табиатан серғайрат. У фақат ўз соҳаси билан чекланиб қолмасдан, адабиётимиз, мусиқа санъати билан ҳам қизиқади. Опанинг ҳаётдаги шиори "Одамларга, Ватанимга қандай наф келтирдим?" Бундай эзгу ният уни янада самарали меҳнат қилишга, янги-янги муваффақиятларни қўлга киритишга чорлаши шубҳасиз. Опанинг умр йўлига назар ташлаган киши бунга амин бўлиши шубҳасиз. Назаримизда, Мунира Жўраевна ота ва эл дуосини олган инсонлардан.

Ҳосил КАРИМОВ.

Сўз — партия етакчиларига

МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ БОРИШ

Партиямиз ғоясининг бош мақсади ёшларда ватанпарварлик ҳиссини камол топтириш, шакллантириш, тинчлик, фаровонлик манфаатлари йўлидаги ислоҳот ва сиёсатни қўллаб-қувватлаш ва унга зид ҳар қандай ҳаракатни кескин рад этиш ҳамда унга қарши курашишдир.

Биз фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш тарафдоримиз. Айни пайтда туманимизда 230 киши партияга аъзо. Улар 14 та бошланғич ташкилотга бирлашиб, Уставда белгилаб берилган вазифаларни қатъийлик билан амалга оширмоқдалар.

Жорий йил охиригача аъзолар сонини 500 нафардан оширишни мўлжаллаяпмиз. Бундан кўзда тутилган мақсад халқ депутатлари вилоят, туман кенгашларига депутатликка кўпроқ вакилларимиз номзодини киритишдир. Келгусида сайловда ютиб чиқишни таъминлашга муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоқда. Бунга эришиш учун жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимиз билан биргаликда тарғибот-ташвиқот ишларини муттасил равишда олиб бормоқдамиз.

Президентимиз томонидан сиёсий партияларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизни янада руҳлантириб юборди. Бунга муносиб равишда фаолиятимизни жонлантириб бораверамиз.

Сойиб ХОЛБЕКОВ, ЎзМТДП Дўстлик туман кенгаши раиси.

Зарур қўлланма

ЯНГИ ТАМОЙИЛ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ДАРСЛИК

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими учун "Шахс ва жамият" фанидан яқин вақтларгача концепция, дастур ва бирор манбанинг яратилмаганлиги ўқитувчилар ва талабалар учун бир мунча қийинчиликлар туғдираётган эди.

Айни пайтда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Шодмонқул Азизовнинг саъй-ҳаракати билан 1998 йилдан бери нашр этилиб, тобора такомиллаштирилиб борилаётган дастурдан фойдаланиб келинмоқда. Бу дастур талаблари асосида муаллиф (Н. Жўраевнинг қисман ҳаммуаллифлигида) қўлланма ҳам эълон қилган эди. Эндиликда у томонидан асосий муаллиф сифатида "Шахс ва жамият" дарслиги яратилиб, мана икки йилдирки, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида жорий этилди.



Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 548-сонли қарорига асосан ҳукумат комиссиясининг 2005 йил 30 майдаги тавсиясига кўра ушбу дарслик умумтаълим мактабларининг битирувчи синфлари учун мослаштирилиб, "Инсон ва жамият" номида 7 тилда оммавий нусхаларда нашр этилди. Натижада мамлакат таълим тизими босқичлари — мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун муҳим ўқув фани бўлган "Шахс ва жамият"нинг барча зарур ҳужжатлари ва манбалари профессор Ш. Азизовнинг ташаббуси, замонавий адабиётларда илгари сурилган таълимотларга таяниш салоҳияти асосида яратилди.

Дарсликда материалларнинг жойлаштирилиши мантиқан изчил, ўзига хос тарзда берилган. Масалаларнинг қараб чиқилиши инсон феномени тавсифларидан бошлаб унинг динга кўра яратилиши ва фанга кўра келиб чиқишининг талқинлари келтирилади. Бунда антропогенезнинг анъанавий ва ноанъанавий, замонавий тушунчалари батафсил баён қилинади. Сўнгра социогенез масалалари кўриб чиқилади.

Инсоннинг келиб чиқиши муҳим жиҳатларига кўра антропосоциогенез жараёнлари натижасидир. Айни улар инсоннинг индивид босқичидан шахс босқичига ўтишини ҳам таъминлаган.

"Жамият" деб номланган иккинчи бўлимда ўзбекча адабиётларда нисбатан янги тушунча бўлган "социум" ҳамда "жамоа", "жамият" тушунчаларининг моҳияти, мазмуни ва ифода тарзлари тавсифланган. Китобда таъкидланадики, "жамият" тушунчасида социумнинг турли даражаларда олинган ташкилий жиҳатлари кўрсатилса, "тарих" тушунчасида жамият конкретлаштирилади.

"Шахс ва жамият" дарслиги услубий жиҳатдан замонавийлик тамойиллари асосида ёзилибгина қолмай, балки унинг учинчи бўлимида лицей ва коллеж талабаларига цивилизация тўғрисида етарли билим ҳам беради. Бу билан аҳамиятига кўра, муҳим ва зарур бўлган цивилизация масалаларининг Ватан таълими бошқа бирон ўқув предметида ўрганилмаётгани бартараф этилиб, бу соҳадаги бўшлиқ ҳам етарли даражада тўлдирилади.

Китобда алоҳида эътибор Ватан ("Турон — Мовароуннаҳр — Туркистон — Ўзбекистон") ижтимоий ўтмишининг таҳлилига қаратилиб, унинг конкрет босқичлари қараб чиқилади. Дарсликнинг "Глобализация ва жаҳон ягона цивилизациясининг шаклланиши" номли сўнгги бобида ҳозирги даврнинг тавсифи, социум барча соҳаларини қамраб олган глобализациянинг моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари нисбати ҳамда кишилик дунёси бошидан кечираётган глобал муаммолар таҳлили зарур ечимини топган.

Ахборот ва ахборот технологияси жамиятлари тўғрисида мулоҳаза юритилиб, инсоният ялпи миқёсда янги цивилизацияга ўтмоқда, деган фикр илгари сурилади. Энг муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, дарсликка ўқув фанининг такомиллаштирилган, тўлдирилган дастури (6-нашри) илова қилинган. Натижада, биринчидан, уларни ўзаро солиштириш ва китоб қай даражада дастурга мослигини аниқлаш мумкин. Иккинчидан, предмет таркибини, муаммолар доирасини ва ички мантиқини яққолроқ кўриш имкони яратилган. Учинчидан, истаган билим соҳасида бўлганидек, "Шахс ва жамият" дарслиги ва унинг дастурида ҳам муаммоларнинг қўйилиши ва ечилишининг очиқлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ғоят муҳим ишни истиқлол талаблари даражасида, замонавий тарзда бажариш муаллиф зиммасига тушган ва у бу вазифани уддалаган.

А. АБДУСАМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор.
М. АБДУРАҲМОНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Spentex Tashkent To`ytepa» корхонасида ҳозирда 2100 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда кунига ўрта ҳисобда 45 тонна ип-калава ишлаб чиқарилаётир. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар асосан Россия, Белорусь, Ҳиндистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Суратда: лаборант Матлуба Салмонова иш устида.

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Биз билган ва билмаган тарих

Ислом оламида таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилот АЙСЕСКО томонидан 2007 йилда пойтахтимиз Ислом маданияти маркази деб эълон қилинганида барча юртдошларимиз сингари қалбим ғурур ва ифтихорга тўлди. Нуфузли халқаро ислом ташкилотининг қарори миллий давлатчилигимиз тарихига бўлган эътиборимизни яна бир карра оширди.

ТЕРМИЗ — АВЛИЁЛАР БЕШИГИ

Давлатимиз раҳбари «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидлаганларидек, бундай юксак эътибор, аввало аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳодир. Неча асрлар мобайнида юртимиз ҳудудида яратилган буюк маданий ва маънавий меросининг туб моҳиятини, унинг кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон аҳлига кенг тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодаси эканини яна бир бор намоён этиш учун жуда кўп иш қилишимиз зарур. Шулар ҳақида ўйлар эканман, мамлакатимизнинг жанубида жойлашган Сурхондарё воҳасининг тарихий жойларини эсладим.



Қадим Термиз ва Чағониён (ҳозирги Денов шаҳри), яъни бугунги Сурхондарё ҳудуди ҳам мамлакатимизнинг кўҳна ва нуфузли мусулмон тамаддуни ўчоқлари сирасига киради. Тарихдан маълумки, бу ҳудудда ислом маданияти камол топди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафот этганларидан кейин 35 йил ўтгач, милодий 677 йилда Термиз шаҳрини халифа Усмон ибн Аффоннинг ўғли Саййид ибн Усмон ишғол этди. Бу Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб Термиз шаҳрига ислом дини кириб келганлигини билдиради. Шу ўринда айтиш лозимки, араблар киритган «Мовароуннаҳр» атамаси дастлабки бир неча ўн йиллар мобайнида Термиз ва унинг атрофларига нисбатан қўлланилган эди. Пайғамбаримиз авлодлари бўлган саййидлар халифалик таъқибига учраганларида уларнинг аксарияти дастлаб Термиз шаҳрига келиб жойлашганликларини яхши биламиз. Термиз саййидлари хонадонининг бир неча асрлик тарихидан шоҳидлик берувчи султон Саодат (Султон Содот) ёдгорликлар мажмуаси мачит, хонақоҳ, йигирмата мақбара ва улардаги 170 қабрни ўз ичига олган. Султон Саодат саййидларнинг илоҳий ҳужжати сифатида сир-синоатли руҳий қувват маскани, битмас-туганмас маънавий хазина янглиғ ер юзида бардавом турганлиги барчамизни ҳаяжонлантиради. 700 йил давомида Термизни маскан тутган саййидлар вакиллари бутун Туркистон тупроғига ва бошқа мамлакатларга шу ердан тарқалишган. Улар барча жойда қалб нури, ақл зиёси билан ислом маданияти ва маърифатини тарқатганлар, ўткир заковати, юксак одоби, мукаммал ахлоқи, қолаверса, ҳидоят йўлидаги кароматлари билан юрт нафига хизмат қилиб, доимо эл назарида бўлганлар. Пайғамбар авлодларининг шарофатидан Термиз мозийда «Мадинат-ар ризжол» (Қуръони каримнинг ҳазрати Ёсин, Таборак сураси, 20-21 оятларини ўқинг) нисбати ила улуғланди, яъни у кекса Жайҳун бўйидаги эрлар ва мардлар, авлиёлар ва саҳобалар шаҳри сифатида қадрланади.

Худди шу каби, Термиз шаҳри ҳижрий II-III асрларда тасаввуф таълимоти ва тариқатининг маркази бўлганлигини ҳам кўпчилик яхши билмаса керак. Бу жараёнда Ҳаким ат-Термизий фаолият юритганлар. Ҳаким ат-Термизий бобомиз Имом Бухорийнинг баъзи устозлари билан бўлган баҳсу мунозараларда ўзининг танқидий-таҳлилий қарашларини олий даражада намоён эта олганлар, қисқа муддат ичида замонанинг йирик олими сифатида танилганлар, қомусий илмлар соҳиби бўлганлар. 126 тадан зиёд асар ёзганлар, шундан 60 таси бизгача етиб келган. Биргина «Хатм-ул авлиё» асарини ёзиш билан тасаввуф тарихида «валоят» назариясига ва бунинг асосида «Ҳакимия» мактабига асос солганлар. Ал-Ҳакимиянинг тартиб-қоидалари келтирилган валоят тариқатига асосланган ва келтирилган барча далиллар бу масаланинг ҳақиқатини исботлашга қаратилган. Бу тариқат ақидасига кўра, «Худонинг авлиёлари бор бўлиб, улар халқ ичидан танилган ва улар дунёга боғлиқ бўлган барча нарсалардан узилиб, нафсу ҳаводан кечиб муайян бир даражага етганлар, уларга маънавият эшикларининг бари очилган...»

«Хатм-ул авлиё» китоби Термиз ва Балх атрофида шаклланган тасаввуф аҳли учун маънавий васиятнома ёхуд таълим дастури сифатида хизмат қилган. Бу асарнинг овозаси ўша давр ислом оламига: Мисру Тунисдан Эрону Мовароуннаҳр, Халабу Шомдан Кичик Осиёгача етган. Бу китоб таъсирида ўнлаб олимлар изланишлар, тадқиқотлар олиб борган, кўплаб асарлар ёзилган.

Ҳаким ат-Термизийдан 400 йил кейин ўтган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд «Биз ал-Ҳаким Термизий тариқатига эргашамиз», дея хабар бериши билан нақшбандийлик таълимотининг асл тагзамини ал-Ҳакимияга бориб тақалишини авлодларга айтиб қолдирган. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг Ҳаким ат-Термизийга ихлоси баланд эди. Ҳаким ат-Термизий Хуросон ва Мовароуннаҳрда илк тасаввуф таълимотчиси ва тарғиботчиси, тўққизинчи асрнинг «қидват-ул авлиё»си, яъни валийлар етакчиси сифатида танилган.

Термизий нисбати билан тарихда ўтган ўнлаб пешволардан яна бири буюк муҳаддис Абу Исо Термизий ҳисобланади. Ислом таълимотининг Қуръондан кейинги ўринга қўйиладиган манбаи бўлган ҳадисларни тўплашда фақат Имом Бухорийгина ундан олдинги поғонани эгаллаган. Биламизки, бу иш билан юзлаб олимлар ҳам шуғулланишган. Пайғамбаримиз у ёки бу муносабат билан айтган ҳикматли сўзлар, ўгитлар, ибратли ишлар ҳақидаги ривоятлар бўлган ҳадисларнинг аслини аниқлаш, сохталарини йўққа чиқариш вазифасини Имом Бухорий аъло даражада бажарган эдилар. Имом ат-Термизий ҳам ҳадислар ҳикмати ва фалсафасини тушуниш, таҳлил қила билиш борасида мукаммалликка эришди. У ҳадисларнинг ишончлилигини аниқлашда ўзига хос йўл тутган. Яъни уларни саҳийҳ (ишончли, тўғри), ҳасан (яхши, маъқул), заъиф (бўш, ишончсиз), ғарийб (ғалати) каби хилларга ажратган, шу билан бирга келтирилаётган ҳадисларнинг фиқҳ (қонунчилик)га қай тарзда алоқадор эканлигини аниқ ва тушунарли тарзда кўрсатиб ўтган. Имом Бухорий Имом Термизийга қарата: «Менга нисбатан сенинг ёзганларингдан элга манфаат кўпроқдир», — дея унинг улуғлик мақомини эътироф этганлиги тарихнинг ўчмас саҳифалари орқали бизга етиб келган.

Таассуфлар бўлсинки, мустақиллик йилларигача Имом Абу Исо Термизийнинг номи, хизматларини, ҳатто қабрининг Сурхондарёда жойлашганлигини ҳеч ким билмас эди. Ниҳоят, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида унинг ҳижрий йил ҳисобига кўра, 1200 йиллик юбилейи ислом дунёсида кенг нишонланди. Шеробод тумани ҳудудида жойлашган Имом Термизий қабри ва унинг атрофи ободонлаштирилди. Йиллар ўтиши билан харобага айланган мақбара асл ҳолида қайта тикланди, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди.

Бунга унча кўп вақт бўлгани йўқ. Орадан бор-йўғи 17-18 йил ўтибди. Бугунги кунда Сурхондарёда кўплаб буюк алломаларнинг номлари тикланди. Ал-Ҳаким ат-Термизий, Хожа Самандар Термизий, Хожа Алоуддин Аттор, Сўфи Оллоёр, Султон Саодат, Қирққиз, Кокилдор ота, Оқ Остона бобо каби ўтмишда қаровсиз қолган муқаддас қадамжоларни обод қилиш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилди. 1999 йилда «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, 2002 йилда халқаро миқёсда нишонланган Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан тарихий-маданий, диний-маърифий ёдгорликлар қайта қад ростлади.

Термиз мустақиллик йилларигача кўрксиз ва жилосиз эди. У қисқа муддатларда тубдан ўзгарди, янгича чирой касб этди. Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудида жойлашган бу кўҳна шаҳар Ўзбекистоннинг гўзал, замонавий масканларидан бирига айланди. Сурхон тупроғида абадий макон топган алломалардан бири Сўфи Оллоёр ўзининг илмий-бадиий, маърифий-дидактик асарлари билан Қошғардан то Волга бўйлари, Хуросон, Туркия, Кавказ сингари олис-яқин минтақалар халқлари орасида шуҳрат қозониб, уларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Яқинда билдикки, Сўфи Оллоёрнинг номи Маккаи мукаррамада қилинадиган амри маъруфларда Имом Бухорий, Имом Термизийлар қаторида тилга олинар экан.

Эсимда, 1989 йилнинг февраля эди. «Эскилик сарқитлари, жумладан, Сўфи Оллоёр ҳақида мақолалар чоп этган, динни оқлаган» деган айбловлар билан Олтинсой туман газетаси муҳаррири «обком партия» муҳокамасига чақирилди. Кўплашиб касбдошимизни жазодан олиб қолишга эришганмиз. Аммо шу туман газетасига Сўфи Оллоёр ҳақида ёзган ва асарларига алоҳида боб киритган ёзувчи Тоғай Муроднинг бошига айрим арбоблар не-не кунларни солмади дейсиз.

Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам каби авлиё бобокалонларимиз нақшбандия таълимотини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Сўфи Оллоёр бу тариқатга хос ахлоқий-таълимий қарашларни ибодат жараёнига, мактаб, мадрасаларнинг таълим тизимига жорий этган буюк зотдир. Унинг асарлари туфайли Марказий Осиё минтақасида яшовчи туркий-форсийзабон халқлар ягона исломий, фалсафий-эстетик мафкура асосида бирлашганлар, ўзаро маънан яқинлашганлар, бир-бирларининг маърифатпарварлик ғояларидан баҳраманд бўла бошлаганлар. Шу тариқа Сўфи Оллоёр миллионларнинг руҳий муаллими ва мураббийига айланган.

Сўфи Оллоёр фақат Яратганнинггина марҳаматидан умидвор бўлиб, ҳеч қандай эъзозу ҳурмат талаб қилмаган. Мозорларга сиғинишни хурофот деб билиб, халқ хотирасидан батамом унутилиб кетмоқни ихтиёр қилган. Шу сабабли бўлса керак, алломанинг Олтинсой туманидаги Катта Вахшивор қабристонида жойлашган қабри қайси эканлигини ҳеч ким билмайди. Ривоят қилишларича, Денов беклиги томонидан Сўфи Оллоёрнинг қабри устига уч марта мақбара тиклашга уринишган. Аммо ҳар сафар мақбара девори қуриб битказилмасдан таг-туги билан қўпорилиб, қабрдан 50-60 қадам пастликка қулаб тушаверган.

Сўфи Оллоёрнинг хоки ётган қабристон мустақиллик йилларида ободонлаштирилди. Сурхон воҳаси нуронийлари Сўфи Оллоёр зиёратгоҳини қайта тиклашни, Катта Вахшивор қишлоғида ҳам Самарқанддаги Имом Бухорий зиёратгоҳидек мажмуа барпо этилишини орзу қиладилар. Бу қутлуғ ниятни рўёбга чиқариш учун «Сўфи Оллоёр» жамғармаси ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад мақбара, музей, масжид, кутубхона, меҳмонхона, ошхона ва бошқа зарурий биноларни ўз ичига олган мажмуа барпо этиш, аллома меросини ўрганиш, асарларини таржима қилиш ва чоп этишдан иборат. Хайрли иш аллақачон бошланган. Шу кунгача кўпгина ишлар қилинди. Жумладан, маҳаллий ҳокимият икки ярим гектар ер ажратди. Мажмуа қурилишига оид ҳужжатлар тайёрланди. Юқори кучланишли электр трансформатори ўрнатилди. Вахшивор тоғи бағридан сузиб чиқувчи булоқ суви зиёратгоҳга келтирилди.

Узоқ тарихимизда улуғ кишиларнинг хоки поклари ётган жойларда мақбаралар қуриб, обод зиёратгоҳларга айлантириш ибратли ва савоб иш ҳисобланган. Бу анъана мустақиллик йилларида эъзозли бир кўринишда давом этаётир. Мозийдаги тарихий ҳақиқатларни англаш, ўтмишни ўрганиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ.

Молия муассасаларида

БАРЧА ҚУЛАЙЛИК МИЖОЗ УЧУН

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Бухоро шаҳар "Тўқимачилик" филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, уларга микрокредитлар ажратиш бўйича кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 1 июлигача 2 миллиард 127 миллион 527 минг сўм маблағ ажратилиши натижасида нафақат субъектлар ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаб олди, балки ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Банк бошқарувчиси Улуғбек Ҳамроевнинг таъкидлашича, мижозлар кўрсатилаётган хизматдан мамнун.

— Жамоамизнинг 75 фоизи ёшлар, — дейди у. — Шунинг учун ҳам умум ишимизда юксалиш бор. Бизнинг маънавий-маърифий йўналишда ҳам кўплаб режаларимиз мавжуд. Асосан тўқимачилик, нефть ва газ саноати, қишлоқ хўжалиги, савдо соҳаларига хизмат кўрсатиб келяпмиз. Энг муҳими, мижозлар сони кўпаяётгани қувонарлидир.

Юртимизда фермерликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугун фермерлар қишлоқ хўжалигида асосий кучга айланди. Шунинг учун ҳам уларга қулайлик яратиш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Уруғлик, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш воситаларини сотиб олиш, МТП ва СФУга хизматлар тўлови, лизинг, суғурта ва солиқ тўловлари учун ҳам кредитлар ажратиляпти.

Молиявий муассаса эришилаётган ютуқлардан қаноатланиб қолмасдан, аҳолига ҳар томонлама хизмат кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга, Ижтимоий ҳимоя йилида савобли ишлардан ҳам четда қолмасдан, кам таъминланган оилаларга 50 миллион 854 минг сўм, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 11 миллион 728 минг сўм кредит ажратилди. Улар, асосан, сервис соҳасини ривожлантириш, мини ускуналар харид қилиш, тўқимачилик саноати, алюминийдан эшик ва дераза ромлари ясаш, қурилиш материаллари, пойафзал, пайпоқ, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хусусий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда чорва моллари, ем-хашак ва уруғлик материаллари сотиб олиш учун бериляпти.

Бир сўз билан айтганда, банк томонидан хизмат кўрсатиш кўлами кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга, улар такомиллашиб, ривожланган давлатлардаги каби рақобатбардош хизмат юзага келмоқда.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Миллий тикланиш"
мухбири. ®

Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида спиртли ичимликларни фақат махсус дўконларда савдо қилишга рухсат берилди. Ушбу ҳужжатнинг долзарблиги шундаки, хоҳлаган киши тўғри келган жойда, хусусан, бозорларда энди бу маҳсулотларни сотиш билан шуғуллана олмайди.

ИЧИМЛИКЛАР САВДОСИ ТАРТИБГА ТУШАДИ

Тўғрида, бозордаги спиртли ичимликлар тоза эканлиги ҳамда уларнинг пули банкка тушишига шубҳа бор эди. Бошқа маҳсулотлар билан бир қаторда, дўконларда уларнинг савдосини йўлга қўйиш, масалан, кичик дўкончалар, яъни киоскаларда ҳам сотилишини оқлаб бўлмайди. Шу билан бирга, уларнинг назорати ҳам қийинлашарди, демак истеъмолчиларнинг сифатли маҳсулот олишига кафолат йўқ эди. Энди эса бу ҳолатлар барҳам топишига замин яратилди, фақат назоратни сусайтирмасдан қарор бажарилишини таъминлаш керак бўлади, холос. Самарқанд шаҳар солиқ инспекциясидан олинган маълумотларга кўра, шаҳар ҳудудида алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқига эга 109 та хўжалик юритувчи субъектга қарор талабларига амал қилиниши юзасидан огоҳлантириш хатлари юборилди. 106 та хўжалик юритувчи субъектга махсус рухсатнома берилди.

Қарорга қадар солиқ инспекцияси ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 18 та хўжалик юритувчи субъектда қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, барчасида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. Натижада қоидабузарлардан жами қиймати 3155,1 минг сўмлик ноқонуний муомалага киритилган спиртли ичимликлар олиб қўйилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 5 та текшириш ҳужжатлари юборилиб, икки нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Бундан ташқари, қарор ижроси юзасидан апрель ойида 8 та хўжалик юритувчи субъектда қисқа муддатли текширишлар ўтказилиб, барчасида қоидабузарликлар аниқланган. Ўтказилган текширишлар натижасида қоидабузарлардан жами 717,5 литр, умумий қиймати қарийб икки миллион етти юз минг сўмлик кирим ҳужжати ва сифат сертификатлари мавжуд бўлмаган спиртли ичимликлар олинган.

Қарорнинг қай даражада аҳамиятли эканлигини шу мисоллардан ҳам кўрса бўлади, демак, яширин цехларда ишлаб чиқарилган ҳамда бошқа давлатлардан ноқонуний олиб келинадиган спиртли ичимликлар сотилишининг олди олинади, чунки уларни сотиш учун имконият бўлмайди.

Яна бир ҳолат кишини ўйлашга мажбур этади, ошхона ва кафеларда ҳам спиртли ичимликлар сотилади. Уларда ҳам тартиб ўрнатилса, айни муддао бўларди. Айрим ошхона эгалари алкоголли маҳсулотлар бўлмаса, мижозлар кирмай қўйишлари билан ўзларининг ноқонуний фаолиятларини оқламоқчи бўлишади.

Айниқса, кичикроқ ошхонадагилар махсус рухсатномалари бўлмаса ҳам ароқ яширинча сотишни йўлга қўйишган. Уларга битта мисол тариқасида спиртли ичимликларсиз ҳам мижозларни кўпайтириш мумкинлигини исботлаш мумкин. Масалан, шаҳарнинг Қўқон кўчасида бир ошхонада шундай ёзув мавжуд: «Спиртли ичимликлар сотилмайди ҳамда келтириб ичиш маън этилади». Шунга қарамай бу ерда савдо яхши, айниқса, одамларнинг оилавий келиб, овқатланиб кетишларига ҳавасингиз келади. Бу ердаги таомларнинг мазаси, хизматчиларининг хушмуомалалиги одамларни оҳанрабодай тортади.

Демак, гап фақат алкоголли маҳсулотларда эмас экан. Бу ҳолат эса нафақат ишнинг самараси яхшиланишига, шу билан бир қаторда, келажак авлоднинг соғлом бўлишига хизмат қилади.

Муртазо ТУРСУНОВ.

Руҳият сирлари

ЯХШИ СЎЗНИНГ СЕҲРИ БОР

Шифокорларнинг фикрига кўра, инсон ҳаётига таҳдид солаётган касалликларнинг асосий сабаби асабий танглик натижасида вужудга келса, психологларнинг таъкидлашича, инсон кундалик ҳаётида юз бераётган омадсизликларнинг барчаси унинг яхши кайфият билан ишга киришмаслиги натижасида экан.

Шаҳар ичида қатнайдиган автобуслар одатга кўра эрталабки соат етти билан саккизнинг оралиғида тирбанд бўлади. Сабаби, бу вақтда ҳамма ишга шошаётган бўлади. Ҳозирку, талабаларнинг аксарияти таътилда, айримлари амалиёт баҳона шаҳарда қолишган. Улар ҳали таътилга чиқмаган пайтларни бир эсланг-а!

Шундай кунларнинг бирида ишга келаётгандим. Навбатдаги бекатда автобус тўхтаганда аёл кишининг жарангдор овози барчанинг диққатини ўзига тортди.

— Ҳой, сурилсанг ўласанларми, ўрта бўш-ку!..

Бу гапдан кейин шундоғам тирбанд автобусда келаётганларнинг на бири олдинга сурилишни истамади. Жиғибийрон бўлган аёлнинг овози янада қаттиқроқ чиқди:

— Менга кўзингни лўқ қилгунча озроқ сурил! Нарироққа ўт деяпман сенга, эшикнинг олдида туриб кетиш менга ёқади деб ўйлаяпсанми!

Нимагадир аёлнинг гапига ҳеч ким қулоқ солишни истамасди. У ўзининг беўхшов, қўпол муомаласи билан кўпчиликнинг кайфиятига таъсир қилиб бўлганди.

Аёл туртиниб-суриниб ўртароқдаги ўриндиқлардан бирининг ёнига келди. Унга жой бўшатган ўсмир йигиттга керак эмас, деди. Уни четдан кузатиб туриб шундай хулосага келдим: аёл ўзининг гапини олмаган йўловчилардан ранжиганди, чамамда. Унинг охирги гапи ҳам жуда қўпол туюлди менга. Опахон навбатдаги бекатлардан бирида тушиб қолар экан, чиптасини кўрсатишини сўраган кондукторнинг юзига билетини отаркан, тўнғиллади:

— Билет берганинг эсингда турмайдими? Неча марта кўрсатишим керак шу билетингни!

Опахоннинг ортидан қараб қолган ёнимдаги киши ҳамроҳига қараб шундай деди:

— Эрталаб уйидан асаби бузилиб чиққан кўринади. Болалар айтганини қилишмаганми ёки бошқа бирор гап бўлганмикан...

Шунга ўхшаш ҳодисалар учраб туради. Айниқса, бозор томонга йўлингиз тушса, у жойдагиларнинг муомала "маданияти"дан ёқа ушлайсиз. Одатда бундай қўпол гап-сўзлар кайфиятимизга салбий таъсирини



ўтказмай қолмайди. Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён. Энди ўйлаб кўрайлик, бизга шундай муомалада бўлган кишининг ҳожатини чиқаришни истаймизми? Албатта, йўқ. Биз ҳаётга табассум билан боқсак, у бизга асло хўмрайиб жавоб қайтармайди.

Хунук, қўпол муомала фақатгина руҳиятимизга таъсир ўтказмас экан. Бу ҳолат атрофимиздаги оламга, масалан, хона гулларининг ўсишига ҳам таъсир қилади. Жанжал кўп бўладиган уйда гуллар яшнаб ўсмайди. Кузатиб кўрган бўлсангиз, кўпинча асабий ҳолатда юрадиганларнинг ўзи ҳам гул парваришлашни ёқтирмайди ёки у эккан гуллар яхши ўсмайди. Меҳр билан парваришланган ҳар битта гиёҳ эса соғлом ва бакувват ривожланади. Меҳр билан пиширилган овқат гарчи масаллиқлари тўкис бўлмаса-да, лаззатли чиқади. Энг муҳими, одамларга хуш кайфият улашувчи кишилар ҳеч қачон ёлғиз қолишмайди.

Нуржаҳон АВАЗОВА.



Бойсун туманидаги «Омонхона» сиҳатгоҳида амбулатория шароитида одамлар келиб-кетиб даволанишади. Беморларнинг ётиб даволаниши учун мўлжалланган 40 ўринли бино ишлаб турибди, уларнинг маданий-маиший дам олишлари учун ҳам зарур шароитлар яратилган.

Сиҳатгоҳнинг шифобахш суви жигар хасталиклари ва унинг асоратларини, қанд касаллигига чалинганларни ҳамда қон босими баланд кишиларни, ошқозон-ичак касалликлари билан оғриганларни даволашда қўл келаётир.

Суратда: тажрибали шифокор Музаффар Жалилов Худойберди Норбоевни кўздан кечирмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Жаҳон ҳафта ичида

Вазифасини бажаришга киришди

Латвиянинг янги президенти Валдис Затлерс ўз лавозимини бажаришга киришди. 52 ёшли президентнинг мутахассислиги асли шифокор бўлиб, у олдин травматология ва ортопедия шифохонасида бош шифокорлик қилган. Эслатиб ўтамиз, Затлерс шу йилнинг 1 май куни парламент томонидан сайланганди.

Етти мўъжиза аниқланди

Дунёнинг етти мўъжизаси рўйхатини қайта тузиш юзасидан ўтказилган халқаро танловнинг финал босқичи Португалия пойтахтида якунланди ва улар эълон қилинди. Мўъжизалар интернет ва телефон орқали овоз бериш йўли билан аниқланди. 100 миллионга яқин дунё аҳолиси овоз бериш жараёнидан иштирок этди.

20 нафар жангари йўқ қилинган

Покистон ҳарбийлари гаровга олинган мамлакат пойтахтидаги Қизил масжидга ҳужум қилишни бошлади. Жангарилар у ерда болалар ва аёлларни гаровда ушлаб туришибди. Сўнгги маълумотларга кўра, отишмалар чоғида 20 нафар жангари йўқ қилинган. Учта ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди. Ҳужум бошланаётганда масжиддан 20 нафар бола қочиб чиқишга улгурган. Эслатиб ўтамиз, ҳукумат кучлари мана бир ҳафтадирки гаровдагиларни озод қилиш билан шуғулланмоқда. Манбада айтилишича, Қизил масжидда 250 нафарга яқин жангари ўрнашиб олган.

Польшада сайлов ўтказилади...ми?

Польша Бош вазири ўзининг ўринбосари, айни пайтда қишлоқ хўжалиги вазири лавозимини ҳам бажариб келаётган Анджей Лепперни истеъфога чиқарди. Унинг бу қарори коалицион ҳукуматнинг тарқалиб кетишига олиб келиши ва муддатидан илгари сайловлар ўтказилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бунга жавобан Анджей Леппер ўзининг «Мустақил мудофаа» партияси коалицион ҳукумат таркибидан чиққанлигини билдирди. Польша ҳукумати матбуот котибининг журналистларга маълум қилишича, ушбу қарор коррупцияга қарши курашиш марказий бюроси томонидан ўтказилаётган текширувларга алоқадор. Анджей Леппер мазкур текширувларга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги тўғрисида баёнот берди.

Интернет хабарлари асосида Гулруҳ ТУРДИЕВА тайёрлади.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТАБАНК»ИНИНГ

акцияларини харид қилиб мулкдорга айланинг ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлинг!

Эслатиб ўтамиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари **2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинган.**

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

• юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

• фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Шошилинг, ушбу имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

«Пахтабанк» акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг «А» тоифасидаги расмий листингида бўлиб, бу энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.

Имкониятларни қўлдан бой берманг! Даромадингизни янада кўпайтиринг.

Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон орқали мурожаат этиш мумкин: (8371) 173-25-51.

«Пахтабанк» — фаровонлигингиз калитидир!

Хизматлар лицензияланган

Ўқинг, қизиқ!

БАШОРАТГЎЙ ВАНГА

Албатта, инсон келажакда ўзини нима кутиб турганини билгиси келади. Бировлар лўлилар ва фолбинларга, бировлар экстрасенс ва башоратчиларга ишонишади. Сайёрамизнинг миллион-миллион фуқароларини қойил қолдирган башоратчиларнинг бири — Ванга.

Ванганинг исми бутун дунёга танилган. У қанча-қанча одамларни даволаб, ҳаётга қайтарди. Унинг айтган башоратлари кўпинча тўғри келарди.

Булғор башоратчиси Ванга (Вангелия) Дилит қизи 1911 йил 31 январда Югославияда муддатидан икки ой аввал, оёғи ва қўлининг бармоқлари ажрамаган ҳолда туғилган. Ҳеч ким қизалоқнинг тирик қолишини кутмаганди. Бироқ у тирик қолди, унинг исмини Вангелия қўйишди. «Евангелия» сўзи «Яхши хабар» деган тушунчани билдиради.

Қизчанинг уч ёшида онаси вафот этади. Кичкинтой Вангелиянинг энг яхши кўрадиган ўйини «табиб бўлиб ўйнаш» экан. Ўн икки ёшида дугоналари билан ўйнаб юрганида уни кучли қуюн учириб олиб кетади. У аллаким кафти билан бошидан силаганини сезади-да, ҳушидан кетади. Ҳушига келганда ерда ётганини билади. Вангани даладан топиб олган одамлар уйига олиб келишади.

Унга қанча ёрдам беришмасин, икки кўзи сўқир бўлиб қолади. 1925 йили уни Земун шаҳридаги кўрлар уйига топширишади. У бу ерда уч йил даволаниб, Брайн ҳарфини (ЗаҒонглар алифбоси), пианино чалишни, тўқишни, овқат қилишни ўрганади. Ванга худди шу ерда ўзининг биринчи муҳаббати Димитрни учратади ва кўп ўтмасдан турмушга чиқади. У ҳам сўқир эди. У пайтда иккови ҳам бахтли эди.

Бир куни отасининг бир қўйи йўқолиб, қаттиқ азият чекибди. Қизи отасига: «Қўйингиз Мониспитова қишлоғида яшайдиган Атанас деган кишининг кўрасида турибди», — дейди. Отаси ҳангу манг бўлиб: «Қайдан билдинг?», — деб сўраганида, у: «Тушимда кўрдим», — деб жавоб берган экан.

Отаси ҳақиқатан ҳам шу қишлоққа бориб изласа, қўйи айтилган уйда турган экан.

Ванга синглиси Люба билан қишлоқ чеккасидаги қудуққа сувга боришарди. У катта тошнинг устига чиқиб, ярим соат жимиб қолади. Уни хаёли паришон кўрган синглиси қаттиқ кўрқиб, йиғлаб юборибди. Ванга эса:

— Кўрқма, мен бир киши билан гаплашдим. У отини суғоришга олиб келибди. У одам менга анаву оқ гулларни кўрсатиб, бу — юлдуз ўти, у касалга даво бўлади, деди, — дейди.

Люба атрофига қараб, қудуқ ёнида ўсиб турган ўтни ҳам, отлиқ кишини ҳам кўрмаганини айтиб, ҳайрон бўлибди. Ванга шу отлиқ кишини кейин яна кўрибди. У Вангага қараб: «Яқинда катта уруш бўлади. Сен хонангда ўтириб, ўликлар билан тирикларни ҳисоблайсан! Кўрқма, мен ёнингда бўламан», — дебди. Ванга синглисидан:

— Люба, сен отлиқ кишини кўрдингми? — деб сўрабди.



— Нима бало, сен туш кўраяпсанми? — дебди у опасига.

Бир неча кундан кейин маҳалладан урушга кетганларнинг ота-оналари Вангага кела бошлашибди. Ванга кичкина хонанинг бурчагида ўтириб, кимнинг ярадор бўлганини, кимнинг тирик қолишини, ҳатто ўлишигача хатосиз айтиб берарди. Тирик келади деган одамлари айтган пайтида келишарди.

Шундан кейин Ванга бир йил уйқуда ётибди. Уйқудан турганидан кейин унга табиблик ҳам юқади. У одамларни шифоли ўтлар билан даволайдиган бўлибди.

Бир куни унга Димитр деган солдат келибди. Унинг акасини бировлар бор-йўғини ўғирлаб, ўлдириб кетган экан. Унинг уч ўғли ҳамда касалманд аёли йиғлаб қолибди. Ванга йигитга:

— Мен сенинг нима учун келганингни билиб турибман. Сен акангни ким ўлдирганини билмоқчисан. Акангни ким ўлдирганини кейин айтаман, бироқ сен менга қасос олмайман, деб сўз берасан. Сен уларнинг ўлимини ўз кўзинг билан кўрасан, — дейди.

Акасини ким ўлдиргани аниқланибди. Қотилни Аллоҳ жазолабди. Кейин Ванга синглисини Димитрга турмушга чиқарибди. У пайтда урушга ёрдам керак эди. Димитрни Грецияга урушга олиб кетишаётганда, Ванга: «Икки йилдан кейин қайтиб келади», — дебди Любага. Ҳақиқатан, Димитр урушдан касаллиги туфайли қайтиб келади.

1962 йили Ванганинг эри вафот этади. У ўлаётган эрининг бошида кўзларидан ёш оқиб йиғлаб ўтирган экан. У ўлгандан сўнг Ванга ухлаб қолибди. Уйғонганидан сўнг: «Мен куёвимни борадиган ерига кузатиб қўйдим», — дебди. Шу кундан бошлаб Ванга бошига қора рўмол тортиб юрадиган бўлибди.

Ванганинг олдига одамлар кела бошлабди. Уларга синглиси: «Ванга бугун қабул қилмайди», — деса, уни эшитган Ванга: «Кетишмасин, мен ҳаммасини қабул қиламан», — дебди. Одамлар кетма-кет келарди. У вақтда Ванга ҳар куни ўнлаб одамларни қабул қиларкан. 1976 йили эълон қилинган маълумотга кўра, 10200 одамни даволабди. У 80 ёшгача ҳар куни беморларни қабул қилган.

Бир куни Ванга яқинларига: «Мен яқинда ўламан», — дебди. У ўлими олдидан ҳамма мол-дунёсини давлатга ўтказиши ҳақида васият ёзиб қолдирган экан.

У 1996 йили вафот этади. Ўлими олдидан ҳушига келган Ванга: «Башоратгўйлигимни Франциядаги қизга ўтказдим. У қиз яқинда ўн ёшга тўлади. У бу хосиятни қабул қилгандан сўнг сўқир бўлиб қолади», — дебди. Ҳаммаси Ванга айтгандек бўлибди. Шунингдек, Ванга 2050 йили одамлар нур тезлигида учадиган тайёрада учишади, дейди. «Қиёмат бўладими?», — деган сўроққа: «Бу аҳмоқлик!», — деб жавоб берган экан.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.

Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар. Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 20.00

Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 623. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 2100 Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди 20.50

MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

2007 йил 18 июль, чоршанба.

Миллий тиклаиш

Миллий тиклаиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

29 (412)-сон

Сотувда эркин нархда.

Истиқлол тенгдошлари

Мустақилликнинг дастлабки йили 1 сентябрь куни таваллуд топган Роҳила Жўраева Наманган туманидаги Ғирвон қишлоғида яшайди.

— Болалигимдан ҳамшираликка қизиқаман, — дейди у. — Бу йил 9-синфни тамомладим. Яқинда тиббиёт коллежига ҳужжатларимни топширдим. Келажакда беморларнинг дардларига даво топувчи оқ халатли нажоткорларга касбдош бўлишни ният қилганман.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК — УЛУҒ САОДАТ

Мустақиллик баъзилар учун гўё осонгина қўлга киритилгандек туюлади. Аслида ундай эмас. Унга минглаб ота-боболаримиз қони эвазига эришилди. Шўролар даврида Ватан озодлиги учун не-не инсонлар курашмади. Улар Ватанининг бир парчаси бўлса-да, озод бўлишини кутиб яшащди. Бироқ бу бахтга мушарраф бўлолмадилар. У сизу бизга насиб этди.

16 йил

Биз ҳозир ота-боболаримиз азалий орзу қилган жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраяпмиз. Истиқлол йилларида нималарга эришдигу нималарга эришолмадик? Албатта, ҳали амалга ошмаган орзуларимиз ҳам бор. Бироқ ютуқларимиз ниҳоятда кўп. Лекин муваффақиятлар ўз-ўзидан келгани йўқ, албатта. Машаққатли меҳнат, саъй-ҳаракат, тинимсиз изланишлар натижасида қўлга киритилди. Зафарларимизни санаб адоғига етиш қийин. Катта карвон йўлга чиққанига анча бўлган бўлса-да, бироқ ҳали жуда кўп довонларни босиб ўтишимиз керак.

Яқинда хизмат сафари билан Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Қизириқ, Бандихон ва бошқа кўпгина туманларида бўлишга тўғри келди. Жойларда одамларнинг яшаш шароитлари билан танишишга, улар билан ҳамсуҳбат бўлишга, қалбига қулоқ солишга муяссар бўлдим.

Одамлар меҳнат қилишяпти. Данғиллама уйлар қуряпти. Тўйлар бўляпти, хуллас, ҳаёт қайнаяпти. Саноат кириб борган жойлар обод бўлмоқда, тўғриси, саноат кирмаган қишлоқлар бир оз қийинроқ аҳволда. Гапнинг индаллосини айтганда, ҳар бир тирик жон борки, мустақил Ватанни яшнатиш, боғ-роғлар барпо этиш билан банд. Бу ободончиликларни кўриб севинчимни ичимга сиғдиролмадим. Шаҳид кетган боболаримни эсладим. Кўзларимга ёш келди. Мустақил бўлган мамлакатимизда шундай шароитларни яратган Юртбошимга кўнглимда миннатдорчилик туйғуларини туйдим.

Кўпни кўрган бир отахон билан суҳбатлашишга тўғри келди. У киши менга шундай деди: «Э, ўғлим! Бундай дориломон кунлар учун не-не ўғлонлар шаҳид кетди. Менинг отамни ҳам қулоқ қилиб қамашган. Қанчадан-қанча одамлар Ватан озодлиги учун шаҳид кетишган. Камина бу даҳшатли кунларни ўз кўзим билан кўрдим. Ёшим 80 дан ошди. Етти ўғил, икки қизни уйлижойли қилдим. 50 нафардан зиёд невара ва бир неча эвараларим бор. Пиру бадавлатман. Шундай улуғ, дориломон замонларга етказганига шукр. Тўғри, муаммолар ҳам бор. Лекин буларнинг ҳаммаси вақти келиб ечилади. Муҳими, мамлакатимиз тўғри йўлдан бормоқда. Энг асосийси, Ватанимиз озод, юртимиз тинч. Бу кунларнинг қадрига етишимиз керак. Акс ҳолда, ота-боболаримиз руҳи биздан норизо бўлади».

Одамлар кўзига боқиб, уларнинг қалбидаги меҳрни, эртанги кунга бўлган ишончни сездим. Ана шундан қувондим. Барча фуқароларимиз тинчлигимиз барқарор, мустақиллигимиз абадий бўлишини жудажуда исташади. Юртимизни ҳар хил бало-қазолардан ўзинг асрагин, дея эрта-ю кеч дуо қилишмоқда.

Иззат АҲМЕДОВ.

Тақдимот

ПСКЕНТДА ЎҚУВ МАРКАЗИ

Тошкент вилояти "Тадбиркор аёл" уюшмаси республикамиздаги Япония элчихонаси билан ҳамкорликда Пскент туманида "Тадбиркор аёл" ўқув марказини очди.

Марказнинг очилиш маросими катта тантанага айланди. Унда Япония элчихонасининг учинчи котибаси Хироко Китамура хоним, элчихонанинг Иқтисодий ҳамкорлик бўлими мутахассислари Тамаки Ёшида хоним ва Кусака Хирофуми иштирок этишди.

Япония ҳукумати тор доирадаги беминнат ижтимоий ёрдам борасидаги лойиҳаларини 1995 йилдан бери юртимизда амалга ошириб келмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад халқимиз турмуш тарзини, фаровонлигини ошириш, аёлларни иш билан таъминлашдан иборат.

Пскент туманида очилган ўқув маркази Япония ҳукумати томонидан ажратилган 22.369 АҚШ доллари миқдоридаги грант ҳисобидан тикув машиналари, сартарошлик анжомлари, семинар заллари учун замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ерда компьютер сабоқлари, инглиз тили, уй ҳамшираси, чеварлик, пазандалик, миллий каштачилик, гилам тўқиш, соч турмаклаш, юмшоқ ўйинчоқ, сунъий гуллар ясаш, бухгалтерия ҳисоби каби йўналишлар бўйича сабоқ берилади. Шу билан бирга, кейинчалик араб тили, япон тили курсларининг очилиши ҳам мўлжалланмоқда.

Ўқув марказида кам таъминланган оилалар, ногиронлар учун чегирмалар мавжуд. Бу ерда ҳозирнинг ўзида 13 нафар киши иш билан таъминланганлиги ҳам ҳудуд аҳолиси учун ёрдам бўлди.

— Чекка қишлоқларда ҳам филиаллар очишни мўлжаллаяпмиз, — дейди марказ директори Сайёра Мўминова. — Шунингдек, ногирон одамларни машинада олиб келиб ўқитсак, сўнг яна уйларига элтиб қўйсак, айни муддао бўларди. Биз уларни текинга ўқитамиз ва сертификат билан кузатамиз.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Тадбир

ЁЗУВЧИНИ ЁД ЭТИБ

Таниқли ёзувчимиз Саид Аҳмад шундай дерди: «Неъмат Аминов тенгқурлари орасида энг тилга бой, тилнинг ранглари-ю оҳангларини жуда яхши ҳис қиладиган ва уни ниҳоятда маҳорат билан ифода қиладиган ёзувчидир...

...Бир латифани икки кишига айттириб кўринг. Бири жиддий, бири қувноқ одам бўлсин. Жиддий одам латифа айтиб тингловчида табассум қўзғатолмайди. У ҳажвнинг ўзига хос нуқталарини тополмайди. Қувноқ одам худди шу латифани бирон сўз қўшмай ёки бирон сўзни тушириб қолдирмай айтса, даврада гуррос кулги кўтарилади.»

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов ўзига хос адиб эди. У XX аср ўзбек адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлардан бири ҳисобланади. Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом каби забардаст устозлари маҳорат мактабидан сабоқ олган ва миллий хусусиятларни бадиий адабиётда тўлақонли ифода эта олиш қудратига эга бўлган моҳир қаламкаш эди.

Неъмат Аминов сатира жанри бўйича ўзига муносиб ҳайкал ўрнатиб кетди, десак муболаға бўлмайди. Унинг биргина «Ёлғончи фаришталар» романининг ўзиёқ ҳаётимиздаги барча нуқсонларни, одамлар феълидаги салбий хусусиятларни фош этишидаги маҳорати ёзувчи дунёқарашининг замондошларидан анча илгарилаб кетганлигига далолат бўлиб турибди.

Кеча пойтахтимиздаги Чиғатой қабристонида таниқли ёзувчи Неъмат Аминовнинг сағанасига ёдгорлик ўрнатилди. Шу муносабат билан бу ерга ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, публицист журналистлар ва адибнинг яқин қариндошлари тўпланишди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, ёзувчилар – Хуршид Дўстмуҳаммад, Нортўхта Қиличев, публицистлар – Аббосхон Усмонов, Шуҳрат Жабборов, Ашурали Жўраев, шоир Саъдулла Ҳаким, шунингдек, адабиётшунос олим Тўра Мирзаевлар Неъмат Аминовнинг ижоди ва ҳаёти тўғрисида ўз хотиралари сўзлаб бердилар.

Вазира МАМАДАЛИЕВА.

Партия ҳаёти

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАДА

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши партиянинг Ангор туман кенгаши билан ҳамкорликда "Жамиятни янада демократлаштириш шароитида сиёсий партия олдида турган долзарб вазифалар" мавзуида йиғилиш ўтказди. Ангор туман ахборот ресурс марказида ўтган тадбирда партиянинг вилоят кенгаши аъзолари, депутатлар, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят кенгаши раиси Исо Адинаев олиб борди. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят кенгаши раиси ўринбосари Абдулла Холмирзаев маъруза қилди. Ангор туман кенгаши раиси Гулчехра Аҳмедова эса кенгашнинг сиёсий фаолиятини такомиллаштириш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Йиғилганлар кун тартибидаги масала юзасидан таклифларини айтишди. Туман маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Ҳалима Маматалиева, А.Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турди Тоғаевлар томонидан билдирилган фикрлар кўпчиликнинг диққатини тортди.

Жуманазар АНОРОВ.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Китоб туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий калом, миллий либос, миллий таом» мавзуида танлов ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қўшкўпир туман кенгаши «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда «Биз партиянинг қанотимиз» мавзуида тадбир ташкил этди.

* * *

ЎзМТДП Чиноз туман кенгаши томонидан «Соғлом фарзанд — оила фахри» мавзуида тадбир уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Жомбой туман кенгаши ташаббуси билан «Мустақиллик — олий неъмат» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Термиз шаҳар кенгаши томонидан «Миллий ўзликни англаш — давр талаби» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Миллий қадриятларимизга содиқлик — юксак инсоний фазилат» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши томонидан «Аёллар ва экология» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Тахиятош шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Энг яхши ижтимоий соҳа ходими» мавзуида кўрик-танлов ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Навоий туман кенгаши томонидан «Хотин-қизлар ўртасида ОИТС, ўткир юқумли касалликлар ва камқонликнинг олдини олиш муаммолари ҳамда ечимлари» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури»нинг бажарилишида партия ташкилотларининг иштироки ва хотин-қизларнинг партия фаолиятидаги роли» мавзуида учрашув ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Мавзу эски, аммо...

БИЗНЕСНИНГ «ЗАМОНАВИЙ» УСУЛИ

ТЕЛЕФОНДАГИ СУҲБАТ

— Алло, эълон бўйича телефон қилаётгандим....

— Шпаргалка керакмиди?

— Ҳа. Қанчадан ўзи?

— Оладиган бўлсангиз, нархига келишсак, айтган жойингизга обориб бераман. Қайси фанлардан олмоқчисиз?

— Она тили, адабиёт, тарих, инглиз тили...

— Ҳаммасидан бор. 25 мингдан. Учтасини олсангиз, беш минг ўтиб бераман. Гарантияси бор. Вес шаҳарга реклама берганмиз...

Суҳбатимиз узоққа чўзилди. Ўзини Руслан деб таништирган йигитнинг ишонч билан гапириши, худди бозордагидек савдо қилиши аввалига менга бироз эриш туюлди. Унинг кейинги гапларини эшитиб савдогардан бирор буюм сотиб олаётган харидорнинг аҳволига тушдим. "Энг яхши вариант бизда. Ишонмаяпсизми, олти йилдан бери шу иш билан шуғулланамиз", — деди у жавобимни кутиб ўтирмай.

Суҳбатдошимнинг айтишича, жавоблар варианти жуда пухта ишланган, 1996-2007 йиллардаги барча "Ахборотнома"лар бўйича тузилган экан.

— 11 йиллик тестнинг ҳаммасини профессорлар кўриб чиқишган. Биздан олаверинг, адашманг... — деди яна у.

Савдо қилавериб бу соҳада "пишиб" кетган йигитчанинг ўқиш бўйича маълумотини суриштирдим.

— Ўн бирни битирганман. Олий ўқув юртида ўқимаганман. Лекин топиш-тутишим ёмон эмас. Акам билан опам ҳам шу ишда ишлашади. Намунча кўп суриштирдингиз? Барибир гапимга ишонмаяпсиз-а? Кўп тортишдингиз, майли, учаласини олсангиз, элликкa бераман! — деди охири.

Ҳайрон бўлманг, бу қанақа бизнес, деб. Бу ҳеч қандай солиқ тўланмайдиган, ҳеч қайси масъул идора томонидан назорат қилинмайдиган, ҳеч ким суриштирмайдиган, лекин мўмай даромад топиладиган эркин, замонавий бизнес тури бўлади! Сабаби, бу соҳада "ҳалол" даромад топаётганларнинг мушугини биров пишт демайди. Улар пойтахтимиз кўчаларига, ўзларининг тили билан айтганда «вес шаҳарга» эълон беришган! Энг ғалатиси, уларни биров назорат қилмайди. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати бор-да! Улар кимни алдаяпти? Бутун ёшларни, ҳаммамизни алдамаяптими?! Талаба бўлиш истагида пойтахтга келган, келажагимиз эгалари бўлган ўсмирларнинг маънавиятини заҳарламаяптими улар?! Наҳотки, бундай қаллобликларга индамай қараб туришга шунчалар ўрганиб қолдик? Наҳотки, лоқайдлигимиз шу даражага келиб қолди? Улар миллатимиз фарзандларини алдаётганини кўрибилиб туриб қачонгача индамай қараб тураверамиз? Шунга ўхшаш оғриқли саволлар гирдоби ичида ўтирганимда бир ҳамкасбим шундай деди:

— Матбуотда бу тўғрида жуда кўп ёзилди. Аммо аҳвол ҳамон ўша-ўша.

— Мен ҳам нимадир ёзмасам бўлмайди шекилли.

— Ёзсангиз, ўткирроқ қилиб ёзинг, зора, бирор чора кўришса...

Хуллас, индамай кетаверишни эплолмадим. Дилимдаги гапларни қоғозга туширдим. Бу — касбдошларимизнинг тили билан айтганда, жуда эскирган мавзу, аммо барибир ечимини топмаган муаммо, назаримда.

(Давоми 2-бетда).

Газетамизга 2007 йилнинг келгуси ойлари учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Партиямиз фаоллари

Шаҳарнинг қайноқ ҳаётидан бир қадамгина наридаги сўлим сиҳатгоҳнинг остонасидан ҳатлаб ўтганимданоқ кўнглимга хотиржамлик кирди. Баланд дарахтлар, қишин-ёзин ям-яшил либосини ечмайдиган арчалар кўнгилга аллақандай сокин кайфият бахш этади. Бу ердаги осойишталик, саришталик, хотиржам кайфият суҳбатдошим Холида Очилованинг табиатига ҳам кўчганини кўрдим.

Холида ОЧИЛОВА:

ҲАММА НАРСА НИЯТГА БОҒЛИҚ

33 йил. Тарих саҳнида ҳеч қанча вақт бўлмаса ҳам инсон умри билан таққослаганда бу оз муддат эмас. Бир жойда шунча йил меҳнат қилиш, ҳамкасблари орасида ҳурмат топиш бахти эса касбига садоқатли, ўз ишини дилдан севган, фидойи инсонгагина насиб этади. Холида опа саломатлигимиз жонкуярлари сафида туриб, касбини дилдан севиб ишлаётган инсон сифатида ҳавасимни келтирди. Унинг ҳар бир куни эзгулик билан ўтади, десам муболаға бўлмайди. Шифо топиб уйига кетаётган беморлардан кунда бўлмаса кунора миннатдорчилик эшитади.

Юнон файласуфи Суқрот айтганидек, қалбни даволамай туриб танани даволаб бўлмайди. Демак, шифокор беморларида дарддан халос бўлишига ишонч уйғота олиши, уларнинг қалбига меҳр, хушмуомалалик, яхши сўз билан йўл топа олиши керак. Холида опада ана шу хислатларни кўриб, қувондим.

— Касбимиз шунақа, қандай кайфиятда бўлмайлик, қабулимизга келган беморларни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, хушмуомала бўлишимиз керак, — дейди суҳбатдошим. — Болалигимда артист бўлишни орзу қилардим. Кўпинча иш пайтида ўзимни ролга киргандек тутганимда орзуим ушалганга ўхшайверади. Бирор дардга чалинганда, жони оғриб турганда одамнинг кўнгли нозик бўлиб қолади. Бундай пайтда бемор учун яхши сўз энг яхши малҳамдир. Шифо истаб келганларга ташхис қўйиш, даволашда зийраклик, хушёрлик талаб қилинади, албатта. Айтишадику, шифокор бургут кўзли, юмшоқ қўлли, шер юракли бўлиши керак, деб. Касбдошларимизнинг ҳар бир ҳаракати инсон учун энг муҳим эҳтиёж саналган саломатлик деган бойликни асраш учун хизмат қилади. Ҳамшира ёки врачнинг биргина ножўя иши, уқувсизлиги сабабли бир инсон умр бўйи дардга дучор бўлиб қолиши ҳам мумкин. Эгнига оқ халат кийган шифокор буни ҳар лаҳзада ёдда тутиши керак.

Партиямиз сафида ўз ишини пухта биладиган, тажрибали зиёлилар кўп. Албатта, партия ишининг жонланишида, халқ орасига янада жадалроқ кириб боришида уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг раҳбарлари қанча фаол бўлса, партиянинг фаоллиги ҳам ана шунда сезилади. Пойтахтимиздаги «Чинобод» сиҳатгоҳининг ташхис ва физиотерапия бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Холида Очилова ҳам «Миллий тикланиш»нинг шундай жонкуяр аъзоларидан биридир. У биринчилар қаторида 1995 йилда партияга аъзо бўлганди. ЎзМТДП Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгашида хотин-қизлар билан ишлаб, анча тажриба орттирди. Жамият ишида фаол бўлгани боис кейинчалик шаҳар кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» раиси этиб сайланди. Ҳозир партия етакчиси сифатида кўпгина хайрли тадбирларга бошчилик қилиб келаётир. У ишлаётган даргоҳда ўттиздан кўпроқ адабиётга, физика, математикага қизиқардим. Яна, ўқитувчиларга ҳавас қилардим. Одам агар чин дилдан истаса, ҳамма орзуларига ҳам бирин-кетин эришиб бораверар экан. Ҳозир ўқитувчилик ҳам қиляпман. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида графологиядан дарс беряпман. Бу фанга қизиқиб қолганимга анча бўлган. Имзога, ҳуснихатга қараб инсон характерини аниқлаш, яъни графологиянинг сирларини устозим Ойбек Қодировдан ўрганганман.

Суҳбатдошимнинг таклифи билан бир қоғозга имзо чекдим. У эса характеримдаги турли хил хислатларни санаб берди. Бирортасини айтишда янглишмади. Унча-мунча руҳшуносдан қолишмайсиз, дедим хазил оҳангида.

Аёлнинг бахти оиласида, дейдилар. Суҳбатдошимдан шу ҳақда сўрадим.

— Умр йўлдошим стоматолог. Учта фарзандимиз бор. Қизим шу ерда ишлайди. У ҳам шифокорликни танлаган. Онамнинг айтишича, авлодимизда катта табиб ўтган экан, — дейди у. — Ниятни тўлиқ қилгин, дейдилар доим онам. Ҳаётда, ён-атрофимдаги одамлар тақдирида, ўз ҳаётимда ҳам кузатиб кўрдим, кўп нарса яхши ният қилишга боғлиқ экан. Халқимизда дуо олган омондир, деган ҳикмат бор. Онамдан эшитган пурмаъно, ибратли ҳикматларни, дуоларни, халқ орасида эшитганим — алла, ёр-ёрларни тўплаб юрардим. Шуларни бир китобча қилдик. Яқинларимга, таниш-билишларга тарқатдим. Ўқиганлар яхши, хайрли иш қилибсиз, дейишди. Мен эса бир нарсадан, дилимга тугиб юрган бир тилагим амалга ошганидан севиндим.

Аслида ҳар бир инсон умрининг ўзи бир китоб. Инсон ҳаётининг ҳар бир кунини қувончу ташвишлар билан ўтказар экан, унинг қалб дафтарига хотираларга айланган ўтган кунлари муҳрланиб бораверади. Холида опа билан суҳбатимиз давомида ана шу янги боблари ёзилаётган тарих китобининг бир неча саҳифаларини биргалашиб варақладик. Ўқиганларингиз Холида опанинг қалб уммонидан бир қатра, холос.

Гули ОЛИМОВА.

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР ЯҚИН

Тошкент вилоят давлат педагогика институтига бу йил 1580 нафар талаба қабул қилинади.

— Олийгоҳимизга давлат грантлари асосида 475 нафар, тўлов-контракт асосида 765 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Тўлқин Бобоматов. — Махсус сиртқи бўлим йўналишига эса бакалаврлар тайёрлаш бўйича давлат грантлари асосида 340 нафар, тўлов-контракт асосида 285 нафар талаба қабул қилинади. Ҳозиргача қабул комиссиясига 6000 абитуриент ҳужжатларини топширган.

СУРАТЛАРДА: қабул комиссияси фаолиятидан лавҳалар.
Азамат АҲМАД олган сурат.

БИЗНЕСНИНГ «ЗАМОНАВИЙ» УСУЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

АУДИТОРИЯДАГИ ҲОЛАТ

Имтиҳон. Абитуриентнинг тақдирини, яъни талаба бўлиш-бўлмаслигини ҳал қиладиган кун. Бор-йўғи бир неча соат вақт — шошқалоқ дақиқалар ичида ўтиб кетадиган фурсат орасида билимини синовдан ўтказади у.

Абитуриентларни шу жиҳатдан икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, ўзига ишонганлар ва иккинчиси ишонмаганлар. Ҳар икки тоифадагиларни ҳам бир қарашдаёқ ажратиб олиш мумкин. Бунинг учун аудиторияга сал кузатувчан нигоҳ ташласангиз кифоя. Кимдир атрофдан жуда хотиржам кўринади. Саволларга берилган тайёр жавобларнинг қайси бири тўғри, қайси бири нотўғри эканлиги ҳақида мулоҳаза юритади-да, тайинли жавобни белгилаб қўяқолади. Бошқа тоифадагилар эса фалон пулга олган «горантия»ли шпаргалкасидан қандай фойдаланишни ўйлаб, хуноб бўлиб ўтирибди. Нега десангиз, хонада тест синовларининг адолат билан ўтишини кузатиб юрган масъул кишилар айланиб юришибди. Ўшаларнинг кўзини шамғалат қилиб, бир амаллаб чўнтагига, яна бошқа «секрет» чўнтакларига беркитган шпаргалкалардан фойдаланишга уринишади. Абитуриент бечорага ҳам қийин. Униям тушунса бўлади. Бироқ у янглишса кимга фойда-ю, кимга зарар!

Ўйланиб қоласан киши. Одам ўз тақдири ҳал бўлаётган жойда ҳам таваккалчиликка йўл қўядими? Наҳотки, шу бир неча соат вақт ичида у ўз кучига ишонишни ўзига эп кўрмайди? Бор билимига таяниб, вақтдан унумли фойдаланиб иш тутса, кейин афсусланиб ўтирмас, балки. У тайёр жавобларга «кўз тикиб» ўтиргунича имтиҳонга пухта ҳозирланган абитуриент жавобларини қайта кўриб чиқиб, айримларини тузатади-да, хотиржамгина уларни белгилаб чиқади. Чўнтагига ишониб юрак ҳовучлаб ўтирган йигит-қизлар эса баъзан ҳаммадан биринчи «иш»ни бажариб бўлишади. Кўпчилиги ҳаммадан кейин, аксарият ҳолларда шошилганидан хатоликлар билан белгиланган жавобларни оққа кўчиради. Абитуриентлик даврини бошидан кечирганлар бунга кўп гувоҳ бўлишган.

"Кекса" абитуриентлар эса бу борада анча тажрибага эга. Имтиҳондан бир кун олдин ёки имтиҳон куни каллаи саҳарлаб шпаргалканинг супер хилидан — "икс вариант"и(энг тўғри жавобни шундай деб аташади)дан олишади. Бунақасини камида «кўки»да 100, 200 га баҳолашади. Қайси институтга топширганингизга қараб арзон ёки қиммат-роқ бўлиши ҳам мумкин. Ҳуллас, куннинг иссиғига монанд шпаргалка бозорида ҳам савдо-сотиқ қайнай бошлади. Бу "соҳа" кишилари учун ҳозир айни даромадли вақт.

БИР «КЕКСА» АБИТУРИЕНТНИНГ ФИКРЛАРИ

— Нечанчи марта ўқишга ҳужжат топширяпсиз?

— Тўртинчи йил. Айтмоқчи бўлганим, менга ўхшаб алданиб қолишмасин бошқалар. Шунча йил таваккал қилиб анча вақтимни ютқаздим. Бу йил насиб қилса ўз билимимни синаб кўраман. Тўғрисини айтсам, билимим билан бу ерга ўқишга киришга кўзим етмасди. Энди-энди ўзимга ишоняпман. Шпаргалкага шу пайтгача 500 минг сўм сарфладим. Шу пулга китоб олиб ўқисам ҳам бўларкан. Буни қарангки, уларнинг бирортасидан фойда бўлмади. Биринчи йили эплаб ишлатолмадим. Иккинчи йили бир амаллаб ишлатдим, лекин контрактгаям илинмабман. Ўтган йили жуда қизиқ бўлди. Шпаргалкадан фойдаланмасам бўларкан. Биринчи фандан ишлаётганимда кузатувчи ўқитувчи келиб "икс вариант"ни олиб қўйди. Яна бу ҳолат қайтарилса аудиториядан чиқариб юборишини айтди. Ярим соатча ўйланиб ўтирдим, бўлмади. Ноилож, яна иккинчи фандан чўнтагимга беркитиб қўйган жавобларни олиб ишлата бошладим. Лекин яна эплолмадим. Энг ёмони, мени имтиҳондан чиқариб юборишди. Ўзимни нима деб оқлардим. Бошимни эгиб хонадан чиқиб кетдим...

Мана, орадан бир йил ўтди. Ҳам ишлаб, ҳам ўқишга тайёрландим. Ҳозир кўча-кўйда ишончли шпаргалка бор, деганга ўхшаш эълонларни кўрсам, жаҳлим чиқади. Пулимни олиб, ишончимни қозонган қаллоблар нима дейишди денг! "Ўзинг ишлатолмасанг бизда нима айб, бу йил мингга яқин одамни ўқишга киргиздик. Раҳмат айтиб, келишилган пулни бериб кетишди. Ука, бу йил омадинг чопмабди, янаги йил бир уриниб кўрарсан...". Нимаям қилардим, уларни судга берармидим. Ҳамма айб ўзимда бўлса.

Бу йил ҳам суриштириб кўрдим. Бошланиш нархи учта фандан 25 мингдан экан. Бу соҳада бизнес қиладиганларнинг фикрича, бу йил ўқишга кириш 75 минг сўмга тушармиш. Ақли бор одам шпаргалка сотиб олмайди. Ўқишга киришни, имтиҳон топширишни чидаганга чиқарган! Фалон пулга шпаргалка сотиб олгунча репетиторда тайёрланинг. Зора, орзуингиз ушалиб ўқишга кирсангиз. Мен бу йил ўз билимимга ишониб ўқишга ҳужжат топширяпман.

ХУЛОСА

Юқоридаги воқеалардан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ, албатта. Лекин бизни бир нарса ўйлантиради: қаллоблик, очиқ-ойдин кўзбўямачиликлар қачонгача давом этади? Бу "замонавий" бизнес қайси ҳуқуқбузарлик ёки жиноятдан кам? Саволларимизга жавобни айрим мутасадди идоралардан, мулоҳазали мактубларни эса сиздан кутиб қоламиз, азиз ўқувчилар.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

Партия ҳаёти

ЁШ БЎЛСА-ДА, ОБРЎЙИ БАЛАНД

ЎзМТДП Бухоро вилояти ҳудудий кенгашларида олиб борилаётган ташкилий ишлар боис сўнгги бир йилда аъзолар сони 1447 нафардан 4098 кишига етди. Омма орасида партияга қизиқиш тобора ортаётир.

Бунга бир йил муқаддам вилоят кенгаши раиси лавозимида ёш, аммо ишбилармон сифатида танилган Акрам Қиличевнинг иш бошлаши сабаб бўлди, дейишади сафдошлари. Гап фақат сон жиҳатдан ўсишда эмас. Партия фаолияти Бухоро шаҳри, Когон, Ромитан, Вобкент ва бошқа туманларда ҳам сезиларли даражада жонланди. Шунингдек, ўтган йилда яна 4та туман кенгаши молиявий мустақилликка эришиб, ҳисоб-китоб ишларини ўзлари амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди.

Бугун вилоятда жами 60 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, шундан 25таси маҳаллаларда ташкил этилган. "Ёшлар қаноти" фаолияти ҳам тубдан ўзгарди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳар томонлама алоқа мустаҳкамланди. Бухоро давлат университети, тиббиёт коллежи, "Ипотека банк"и каби қатор жамоалар билан ҳамкорлик яхши самара бераётир. Шунингдек, вилоят "Камолот" ЁИҲ, "Болалар жамғармаси" каби қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида ишлар кўлами кенгаймоқда. Вилоят кенгаши маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ишлашга ҳам алоҳида аҳамият бераётир. Ўтган йилда партия аъзоларидан 8 нафари маҳалла раиси ва маслаҳатчиси лавозимига сайланди. Тадбирларга фермер ва тадбиркорлар ҳам жалб қилиняпти.

Вилоят кенгашининг Бахшулло Ражабов, Қодир Жамолов, Шерзод Холиқов, Амон Зарипов сингари фаоллари раҳбарлигида ғоявий маслақдошлар кўпгина ютуқларга эришмоқда. Улар бугун жамият қўяётган кўплаб долзарб масалаларни ҳал қилишга катта эътибор қаратганлар. Турли бўғинлардаги молиявий-иқтисодий аҳволни назорат қилиш, яхшилаш, бошланғич ташкилотларда хотин-қизлар ва ёшлар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, аъзолар сони ва сиёсий фаоллиги, тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Вилоят кенгашига аъзоликка қабул қилишларини сўраб келаётган ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Шофирконлик ёш ўқитувчи Моҳидил Пўлатова яқинда партия аъзолигига қабул қилинди. У ўзининг шеърлари билан нафақат вилоят, балки юртимизга танилган ижодкорлардан. Жўшқин сатрлар битгувчи, миллат қадрини юксак тутгувчи ёшлар меҳрини қозонаётган партиянинг нуфузи бунданда ошишига аминмиз.

Т. БАХТИЁРОВ.

Самарқанднинг 2750 йиллиги олдидан

РЕГИСТОНДАН ТАРАЛГАЙ ОҲАНГ

ёхуд «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали олдидан мулоҳазалар

Қадимий Сўғдиёна замини бағридан топилган ноёб ёдгорликлар орасида қўлида соз тутган машшоқларнинг ҳайкалчалари бор. Суякдан ишланган мўъжазгина найнинг эса қарийб беш минг йил муқаддам ясалгани олимлар томонидан исботланган. Бундан кўринадики, бу қадим заминда мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ривожи ўша даврларда юксак чўққига кўтарилган.

Бир неча асрлар олдин яшаб ўтган Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ, Зайнулобиддин ал-Ҳусайний, Сафуиддин ал-Урмавий сингари қатор алломалар мусиқа тарихи ва назариясига оид асарлар ёзиб қолдиришган. XIII асрда Сафуиддин ал-Урмавий ҳазратлари ўн икки мақом ва унинг йигирма тўрт тармоғини яратган. Олимларимиз «Шашмақом»дек мумтоз ижро йўналиши ҳам дастлаб Самарқандда яратилганлигига далил топишган.

Ҳа, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг саҳна манзили этиб Регистон танлангани бежиз эмас. Бу ерда илоҳийлик, сирли бир куч мавжудки, уни фестиваль муносабати билан юртимизга келадиган хорижликлар аждодларимиз куч-қудрати, ақл-заковати, бунёдкорлигини намоён этиб турган азим Регистонда ҳар гал эътироф этишмоқда.

Аввалги фестивалларда кузатганимиздек, меҳмонларни миллий ўзлигимиз, санъатдаги ўзига хослигимиз мафтун этган. Дарҳақиқат, фақат миллий ўзига хосликкина жаҳоний қимматга эга, эътирофга лойиқдир. Бугун тараққиёт шу даражага етдики, дунёнинг қайсидир бурчагида юз берган янгилик лаҳза ўтмай барча мамлакатларга тарқалиб улгуради.

Маънавияти кучли, санъатни чуқур тушунувчи халқлар ёшлар тарбиясига таъсир кўрсатувчи қўшиқчилик санъати савиясини қатъий назорат қилишади. Саҳнада жонли ижронигина тинглашади. Фонограмма ишлатилаётганлигини сезиб қолишса ёки нобоп қўшиқ ижро этилса, ўша заҳоти чора кўллашади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг илк бор ўтказилишида қатнашган ЮНЕСКО вакили Айкава хоним шундай деган эди: «Мен бугун санъатнинг ҳақиқий мўъжиза эканлигини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳали ҳеч қаерда бундай жозибали, юксак савияда ўтган фестивални кўрмаганман. Бунда ўзбек халқи ўзининг улуғвор санъатини яна бир бор намойиш қилди».

Биз ўз санъатимизга ана шундай юксакликдан назар солишимиз, баҳо беришимиз лозим. Ўйлаймизки, истиқлолимизнинг 16 йиллиги, Самарқанднинг 2750 йиллиги байрамлари билан уйғунлашиб кетадиган «Шарқ тароналари» VI халқаро фестивали аввалгиларидек юксак савияда ўтказилади. Дунёнинг нигоҳи очиқ осмон остидаги музей — Самарқандга қаратилади.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Истиқлол берган имкон

Нурота тоғ тизмалари этакларида жойлашган қишлоқларда азал-азалдан миллий қадриятлар улуғланиб келинган. Урф-одатлар, анъаналар билан бир қаторда миллий спорт ўйинлари ҳам турли даврлардан ўтиб, яшаб келмоқда. Аксар тоғликлар болаликдан кураш тушиб улғаяди.

НУРОТА ПОЛВОНЛАРИ

Оқтов, Қоратов, Лангартов ва улар ёнбағирларидаги қишлоқларда ҳам кўпинча тўйларда беллашувлар бўлиб туради. Кураш инсонда кўплаб ижобий хислатларни тарбиялайди. Тўйлар, халқ сайилларида норғул йигитлар кураш тушиб, ўзини синайди, беллашиб, рағбат олади. Одамлар турли даврларда Бобомурод полвон, Хўжам полвон, Қубти-Бобек полвон, Исмоил полвон, Турсун полвон, Маман полвон каби афсонавий халқ полвонлари ҳақида турли ривоятлар, воқеий ҳикояларни ҳанузгача завқ-шавқ билан сўзлаб, янги-янгиларини яратиб келади. Полвон халқи одатда бир сўзли, мард, жасур, ориятли, кучли ва танти бўлади. Истиқлол йилларида ушбу инсоний тушунчалар билан бирга миллий кураш, ўзбек полвонлари фаолиятига ҳам юксак эътибор қаратилиши кўпчиликнинг кўнглидаги орзуларини рўёбга чиқарди. Бугун ушбу миллий спорт турини янада ривожлантириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзига айлантириш масаласига катта эътибор бериляпти.

Чунки ўзбек заминида пайдо бўлиб, ривожланиб, Юртбошимиз ташаббусига кўра жаҳон миқёсига олиб чиқилаётган кураш дунё аҳлини қизиқтирмоқда. Бугунги кунда Африка дейсизми, Осиёми, турли қитъалардаги спорт майдонлари, давраларда "Ҳалол!", "Чала!" каби ўзбек сўзлари янграй бошлади.

Қадимий Нуротада 1994 йилда махсус кураш мактабининг очилиши натижасида ҳудудда спортнинг бу тури ривожланди. Ҳозир кураш мактабида уч турдаги тўгарак машғулотлари ўтказилиб, 38 гуруҳда 476 йигит шуғулланаётир. Уларга 17 нафар мураббий кураш усуллари ва сир-синоатларини ўргатаяпти. Ўтган йиллар давомида мактабдан ўнлаб республика чемпионлари чиқди. Ўктам Абриев, Жонибек Абдурахмонов, Зафар Беркинов, Сафар Эгамов, Жўрабек Эргашев, Аслиддин Қодировларни нафақат Нуротада, балки юртимизнинг турли чеккаларида абжир спортчилар сифатида яхши танийдилар. Бугунги кунда эса Ғулом Раупов, Бахтиёр Ҳамроев, Нодир Бозоров каби юзлаб ёш полвонлар ота-боболари урф-одатлари, қадриятларини давом эттириб, улар каби бақувват ва танти бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Уларга Наби Пўлатов, Юсуф Тоғаев, Юсуф Чўлиев сингари уста мураббийлар кураш техникаси, жисмоний чиниқиш ва бошқа жараёнлар сирларини қунт билан ўргатмоқда.

Жармалик Нажмиддин полвон хотирасини абадийлаштириш мақсадида мактабга унинг номи берилди. Халқ полвонининг шогирди Турсунмурод Ҳайитбоев ушбу мактабда кўп йиллар директорлик қилди. Бугунги кунда унинг ўғли республика тоифасидаги ҳакам, кўплаб халқаро мусобақалар ғолиби, универсиада совриндори Искандар Ҳайитов жамоага раҳбарлик қилмоқда. Жасур ота-боболаримиз удуми авлодларимизда давом этмоқда.

Б. ТЕМУРОВ.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК: БАНК ХИЗМАТИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш кўпчилик мамлакатларда муаммоли масалалардан ҳисобланади. Маблағларга эга бўлиш имконияти мазкур соҳа субъектларининг хўжалик фаолияти асосини ташкил этибгина қолмасдан, балки бозор иқтисоди шароити қонунларидан биридир.

Албатта, банк қарз олувчига, у олаётган қарзини ва унинг фоизини вақтида тўлашга қодир бўлсагина кредит беради. Шу боис, банк мижознинг имконияти ва маблағи нима мақсадда сўраётганини, унинг бизнес режасини ва лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини баҳолаш асосида синчиклаб ўрганади. Бироқ бизнес режа ва ҳисобот ҳақиқий аҳволни ҳамиша ҳам акс эттира олмайди. Чунки тадбиркорлар кўпчилик ҳолларда олган даромадини солиқ тўламаслик учун қисман яширади. Оқибатда у ташкилотнинг расмий ҳужжатлари банк ходимларида шубҳа уйғотгани учун кўпинча банк кредит ажратишмайди. Шу боис банкларнинг кичик корхоналарга бўлган муносабатини ўзгартириш лозим.

Банкларга корхона даромади ва таваккалчилигининг эҳтимолини ҳисобга олиб кредитлар бўйича фоиз ставкасини мустақил равишда ўзлари белгилаши учун имконият бериш керак. Банкларни комиссион мукофотлаш миқдорига бўлган чеклашни, шу билан бирга чет эл кредити ҳисобидан бериладиган маблағлар бўйича ҳам чеклашни олиб ташлаш лозим. Шунингдек, банкларда мавжуд сегментацияга ҳам барҳам бермоқ, уларни нисбатан универсаллаштириш ва молия бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш лозим. Айни пайтда чет эл кредитини мижозларнинг ўзлаштириши секинлик билан кечмоқда.

Яна шуни таъкидлаш керакки, кредитни фақат маҳсулоти четга экспорт этиладиган корхоналаргина валютада олиши мумкин. Сабаби, банк берган қарзини чет эл валютасида қайтарилишидан манфаатдордир.

Кредит ресурсларидан фойдаланиш имкони йўқлигини энди иш бошлаган тадбиркорлар яхши билади. Боиси, уларда гаровни таъминлайдиган даромад йўқ, шунингдек улар хўжалик фаолиятининг натижалари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш имкониятига эга эмас.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорларнинг кўпчилиги ҳозиргача кредит олиш учун банкка тақдим этиш лозим бўлган ҳужжатларни қандай тайёрлаш кераклиги ҳақида билимга эга эмас.

Бунинг учун уларни қисқа муддатли ўқитиш тизимини жорий этмоқ мақсадга мувофиқ бўларди.

А. ҲИКМАТОВ,
Тошкент молия институти талабаси.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Бу ўқув масканига яқинлашишингиз биланоқ, юзларидан нур ёғилиб турган ўғил-қизларнинг илиқ салом ила қарши олиб, сизга йўл беришларидан қувониб кетасиз. Уларнинг ёзги таътилга чиққан бўлишларига қарамай, илм даргоҳини тарк этмаганликларидан асло таажжубланмайсиз. Ахир, ўқувчиларнинг ҳали бу ерда қиладиган ишлари кўп. Кутубхонада бошлаб қўйган севимли китобининг мутолаасини охирига етказишлари керак. Тўгараклардаги ишларни ҳам шундай қолдириб бўлмайди. Қолаверса, бу ўқув йилига қабулда устозларига кўмак бергани қолган ёшларни ҳам шу ердан топасиз. Улар ўз ўқув юртларини яхши кўришади. Устозлари ўгитлари, дарслардаги сабоқлар, амалий машғулотлардаги ҳаракатлар келгуси ҳаётларида нақадар муҳим ўрин тутишини яхши биладилар.

Билимга, касб-ҳунар эгаллашга ошуфта қалблари соҳалар ичига чуқурроқ кириб боришга ошиқади. Сабаби улар таҳсил олаётган Андижон педагогика коллежи мамлакатимиздаги энг яхши, таъбир жоиз бўлса, кўзга кўринган ўқув масканларининг бири. Унинг кўп йиллик бой тарихи, кадрлар тайёрлаш салоҳияти, амалий тажрибалари алоҳида эътирофга молик. Қайси педагог билан суҳбатлашманг, уларнинг кўпчилиги шу ўқув юртининг битирувчиси эканлигини фахр билан қайд этади. Коллеждаги устоз муаллимларнинг катта қисми ҳам шундай: бир пайтлар бугунги ёшлар каби бу ерда қунт билан сабоқ олишган.

ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИГАН КОЛЛЕЖ

бугун Андижоннинг нуфузли билим даргоҳига айланган

1927 йилдан буён нафақат Андижон, балки қўшни вилоятларга ҳам ўрта бўғин мутахассислари тайёрлаб келаётган бу педагогика билим юрти Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг 12 июндаги қарорига мувофиқ педагогика коллежига айлантирилди. Унда ҳозирги кунда бешта йўналиш бўйича ёшларга таълим берилмоқда. Ўқув даргоҳида ўқувчилар сонининг қарийб 500 нафари ташкил қилишини ҳисобга олсак, ота-оналар ҳамда иш берувчи ташкилотларда ўқув юрти салоҳиятининг алоҳида мавқеи кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Тажрибали педагог, Холисхон Ибрагимованинг коллежда раҳбарлик қилаётганига икки йил бўлди. Илм масканига салкам ўттиз йиллик меҳнати сингган опа учун жамоа, билим даргоҳи, бу ерда таҳсил олаётган ўқувчилар ғоятда қадрли. Ахир, Холисхон опанинг ўзи ҳам мактабни битирганидан сўнг, шу ерда ўқиб, бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислигини эгаллаган. Сўнг Тошкент педагогика университетида ўқишни давом эттириб, олий маълумотга эга бўлган. Унинг меҳнат дафтарчасини варақласангиз, 1978 йилдан буён фақат шу ўқув маскани қайд этилганлигининг гувоҳи бўласиз. Дарахт бир жойда кўкаради деганларидек, Холисхон опа шу ерда меҳнат қилиб, элга танилди, обрў-эътибор орттирди. Жамоада ишлаётган ходимларнинг 26 нафари опа каби шу ерда ўқиб, институтни тугатиб, шу илм даргоҳида самарали меҳнат қилиб келаётган фидойи ўқитувчилар ҳисобланади.

— Янги давр янгиланишларни тақозо этмоқда, — дейди Холисхон Ибрагимова. — Ҳаётий талаблардан келиб чиқиб зарур йўналишлар бўйича янги мутахассислар тайёрлашни жорий этяпмиз. Бунинг эвазига биргина мактабгача таълим йўналишининг ўзида тарбиячи ва оилавий гувернёр, хорижий тилларни ўргатиш ҳуқуқига эга бўлган тарбиячи, компьютер саводхонлигини ўргатувчи тарбиячи мутахассисликлари юзага келди. Бошланғич таълим йўналишида эса тарбиявий ишлар раҳбари, бошланғич синфларда меҳнат тарбияси ташкилотчиси, куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси каби мутахассисликларга эҳтиёж кучайди. Бу йил 500 нафардан зиёд ўқувчи қабул қилишни мўлжаллаяпмиз. Ўқув даргоҳимизни битириб, диплом олган 478 нафар ўғил-қизни эса ҳаётга кузатдик. Уларнинг ўттиз нафари имтиёзли дипломга эга бўлганликларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», — деган сўзларининг амалий исботини шу коллеж фаолияти мисолида кўрдик десак муболаға бўлмайди. Ёшлар камоли, бахт-иқболи учун олиб борилаётган қизғин саъй-ҳаракатлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўзининг тўла ифодасини топмоқда.

Ўқув масканида ўғил-қизларнинг чуқур ва пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Кейинги йилларда коллежга 926 миллион сўмликдан зиёд асосий воситалар, 137,3 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари келтирилди. Ундаги 60 га яқин ўқув ва фан хоналари керакли жиҳозлар билан тўла таъминланди. 6 та лингофон хонаси, 2 та компьютер синфида, айниқса, ёшларнинг машғулотлари қизиқарли ўтади. Замонавий техника билан жиҳозланган 4 та ўқув биноси, барча шароитларга эга спорт зали, талабалар турар-жойи ёшлар истиқболига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, бу ерда «PAF ZINGER» тикув машиналари билан жиҳозланган иккита устахона ишлаб турибди. III босқич талабалари ўқув амалиётини малакали ўқитувчилар ёрдамида шу устахоналарда олиб боришмоқда. Кимё, физика, биология лабораториялари ҳам ёшлар ихтиёрида.

Спорт зали ва теннис корти ўқувчиларнинг жисмоний чиниқишлари билан биргаликда соғлом, кучли ва бақувват бўлишларига ёрдам беряпти.

— Ўз устимизда муттасил ишлаш замон талабига айланди, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Шаҳзода Пўлатова. — Ёшларнинг илм олишга бўлган кучли иштиёқи шуни тақозо этмоқда. Бу борада Муқаддас Тожибоева, Улуғбек Исоқов, Мўйдинжон Холдоров, Абдурауф Носиров, Озода Асқарова, Турсуной Тожибоева, Мастура Солиева, Нафиса Мирзаева, Хуршида Алижонова каби фидойи ўқитувчиларимиз замон талабларига ҳамоҳанг ёшларга билим беришмоқда. Бизда «Устоз-шогирд» анъаналари яхши йўлга қўйилган. Ўз фаолиятини энди бошлаган ёш мутахассисларга тажрибали, олий тоифали ўқитувчилар касб сирларини қунт билан ўргатишмоқда. Услубий марказ томонидан тез-тез ўқув тренинглари ўтказиб борилаяпти.

Республика ўрта-махсус касб ҳунар таълими марказининг 2005 йил 17 августдаги 191-сонли буйруғига мувофиқ коллежда ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги рейтинг тизими йўлга қўйилди. Шу билан бирга, таянч сўз ва ибораларга асосланган ёзма ишларни умумкасбий фанларни ўқитишда қўллаш кенг жорий қилинди. Ўқитувчилар раҳбарлигида ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлашларига эътибор кучайтирилди. Ўқув жараёнларига ноанъанавий усулларни жорий этиш чуқурлашди. Ўқитувчилар меҳнатини рейтинг системаси асосида баҳолаш йўлга қўйилди. Яқинда умумтаълим ва касбий фанлар бўйича ўқитувчилар ўртасида кўрик-танловлар бўлиб ўтди. 48 нафар ўқитувчи иштирок этган бу танловда инглиз тили ўқитувчиси Гулбаҳор Муҳиддинова билан тикувчилик ва газламашунослик фани мураббийи Турсуной Усмонова ғолиб чиқиб, кўрик-танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бундан ташқари, ўнлаб ўқувчилар фан олимпиадалари ва турли спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, жамоа шаънини ҳимоя қилишди.

Илм даргоҳида устоз ўқитувчиларга нисбатан талаб доимо ортиб бормоқда. Уларнинг дарсга тайёргарлиги, меҳнат интизоми, дарс таҳлиллари, қолаверса, ўз устида ишлаши, янгиликка интилиши, ижодкорлигига доимо баҳо бериб борилаяпти. Ҳар йили гуруҳлар ўртасида икки маротаба ёпиқ анкета саволлари ўтказиб турилибди. Очиқ дарслар куни ташкил этилмоқда. Айниқса, «Ёш ўқитувчилар мактаби» катта самара бермоқда. Ўн йилдан буён иш олиб бораётган бу мактабда таълим стандартлари, иш режалари ёшларга ўргатилмоқда. Ҳар ойда икки маротаба ўтказилаётган машғулотлар ёш мутахассисларга манзур бўлаяпти. Услубий марказ бошлиғи Мастурахон Солиева мактабга бошчилик қилмоқда.

Коллеж жамоаси Андижон давлат университети билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Жумладан, мазкур Олий ўқув юртидаги кафедраларнинг профессор — ўқитувчилари, фан номзодлари, доцентлар коллежда умумтаълим фанларидан ўтаётган дарслари ўқувчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш амалиёти бўйича Асака педагогика коллежи, информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича Андижон компьютер технологияси коллежи билан ўрнатилган алоқа ҳам ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу каби саъй-ҳаракатлар эвазига кейинги йилларда коллежда кўплаб малакали мутахассислар тайёрланди ва улар ҳозирги кунда республикамизнинг таълим соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бир сўз билан айтганда, Андижон педагогика коллежи ҳамма ҳавас қиладиган ўқув даргоҳига айланган. Ҳозир айримлар уни Андижоннинг илм сарчашмасига қиёслашади. Бу айни ҳақиқат. Коллежда етишиб чиққан мутахассисларнинг юртимиз равнақи, Ватанимиз тараққиёти йўлида хизмат қилаётганликлари шундан далолат бериб турибди. Яъни улар Ватанимиз олдида ўз фарзандлик бурчларини адо этишмоқда. Ота-оналари каби устозларига ҳам раҳмат олиб келишаяпти.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: коллеж директори Холисхон Ибрагимова бир гуруҳ талабалар даврасида; жамоа фаолиятидан лавҳалар. ®

Юртимиз зиёлилари

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Бу оилани мамлакатимизда кўпчилик яхши билади. Фарзандлари келажагини, бахтини илму маърифатда деб билган ота-она болалари қалбида китобга меҳр уйғотганлар. Қобил фарзандлар пухта билим олишгач, ўзларининг илм хазиналарини яратганларида ота-оналари чинакам муроду мақсадларига етганлар! Зеро, бу хонадондан дунёга довруқ солган кимёгар олимлар – академик Обид Содиқов ва профессор Раҳим Тиллаевлар етишиб чиққани нафақат биргина оиланинг, балки бутун юртимизнинг фахрига айланди десак, муболаға бўлмайди.



— Юртимиз истиқлоли берган энг катта неъмат — ўзлигимизни англаш бўлди, — дейди ғурур билан Раҳим ака.

Саксон баҳорни қаршилаётган отахоннинг бу сўзларидан дилингиз яйрайди. Халқимизда «қондан ўтади» деган нақл бор. Раҳим акага ҳам узоқ умр кўриш отасидан, илм чўққиларини эгаллаш эса акасидан ўтган бўлса, ажабмас. Раҳматли оталари роппа-роса 90 йил яшаган, Обид акаси эса қанчалик бетакрор мактаб яратиб кетганини ҳар қанча фахр ила эслаш мумкин!.. Юзидан нур ёғилиб турган самимий ва дилкаш отахоннинг ҳамон тетик ҳамда бардам юришларидан бемалол юз билан юзлашишига умид қиласиз. Илм бобида эса акасининг руҳини шод этаётганига шубҳа йўқ!..

Алломалар ҳаёт мўъжизаларини кимё фани орқали кашф этишган. Шу боис, бу фанни мўъжиза дея таърифлашади. Кимёгар олимлар сулоласини эса мўъжизалар ичра ажиб мўъжиза десак бўлади. Академик Обид Содиқовнинг кимё оламида ўчмас из қолдирганини ортиқча таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Атоқли олим, фан ва давлат арбобининг улуғвор ишларини юзлаб шогирдлари давом эттирмоқда.

Алломанинг иқтидорли шогирдлари орасида ўз укалари Карим ва Раҳим Тиллаевлар ҳам борлиги кўпчиликда ҳавас уйғотади. Ака изидан борган укалар ҳақида Қ. Аҳмеровнинг 1996 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган «Фанимиз фидойиси» рисоласида шундай сатрлар битилган:

«Обид Содиқов... қийинчиликларга қарамай ўқиш, билим олиш, ўз даврининг муносиб фарзанди бўлиб етишишни орзу қилади. Бу борада укалари Карим Тиллаев – кейинчалик фан номзоди, доцент, Раҳим Тиллаев – фан доктори, профессорни ҳам ўз ортидан бошлаб борди».

Кимёгар мураббий Раҳим Тиллаевни бугун ҳам Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультетида – шогирдлари, талабалар даврасида топасиз. Ўзи қарийб чорак аср мудир бўлган физикавий кимё кафедрасида профессор лавозимида фаолият кўрсатаётган олим ҳозир ҳам ёшларга фан сирларини ўргатмоқда. Бугунги ёшларнинг қалбига йўл топиш ва фанга қизиқиш уйғотиш борасида тажрибали устоз ёш мураббийларга ҳам намуна кўрсатмоқда. Шу боис, у кишини фахр билан устозлар устози, деб аташади.

— Эллик беш йилдан буён талабаларга дарс бераётган бўлсам-да, ҳамон ўз устимда ишлайман, — дейди Раҳим Тиллаев. — Билиш осон, лекин ўша билганларингни билдириш, яъни талабалар онгига етказиш мушкул иш! Ҳар бир мураббий ўзи илмий-тадқиқот олиб бораётган мавзуда маърузалар ўқиши яхши самара беради.

Олим илмини ўқув масканида кўрсатса, инсонийлик фазилатларини эл орасида, жамоат ишларида намоён қилади. Устоз машғулотлардан бўшагани ҳамон ЎзМУ фахрийлар кенгашига йўл олади. Кенгаш раиси сифатида режалаштирилган ишларнинг ижросини кузатади. Маънавият ва маърифатни дилдан ҳис этган устоз қатор тадбирларда бош-қош. Сафдошларини ҳам шундай эзгу ишларга даъват этади. Байрамларга Раҳим ота сингари пиру бадавлат мураббийлар нақадар файз киритишларини алоҳида эҳтиром ила таъкидлаш зарур.

Университет қошидаги докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгашлар, шунингдек, факультет илмий кенгаши аъзоси бўлган Раҳим Тиллаев ёшларга қанот бахш этаётганидан барча бирдек мамнун. Шу билан бир қаторда, «Ўзбекистон кимё журнали» журнали таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида у киши илмий-тадқиқотлар мукаммал ёритилишини ҳам кузатиб боради, изланувчан ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатади, қимматли маслаҳатларини аямайди.

Олимнинг эришган ютуқлари умр дафтарининг зарварақларида жилоланиб турибди. 1951 йилда шу даргоҳни имтиёзли диплом билан тамомлаб, аспирантурада ўқишни давом эттирган истеъдодли ёш олим 1954 йили кимё фанлари номзоди, 1966 йилда эса фан доктори илмий даражасини олди. Меҳнат фаолияти ҳам кимё соҳасидаги изланишлари билан чамбарчасдир. 1954 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институтида лаборатория мудири, 1955 йилдан буён ЎзМУ физикавий кимё кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлагач, 1967 йилда профессор унвонига эга бўлган. Мана, қирқ йилдирки, у олий ўқув юртида ўзининг муносиб ўрнига эга.

– Икки йил илгари юз берган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди, – дейди физикавий кимё кафедраси мудири, кимё фанлари доктори, профессор Ҳамдам Акбаров. – Раҳим ака мени ёнларига чақириб, шундай дедилар: «Нега баъзилар амал талашадилар? Кафедра мудири бўлиш учун ғалати ишлар қилиб юрганларни кўрсам кулгим қистайди. Юринг, биз бошқача иш қиламиз!» Нима гаплигини тушунмай, секин устозга эргашдим. У киши тўппа-тўғри ректор қабулига бошлаб бордида: «Шу шогирдимни ўрнимга кафедра мудири этиб тайинланг!», — деб ўзлари илтимос қилсалар, денг. Университет раҳбарининг: «Ўзингиз ҳали бардам-бақувватсиз, тажрибангиз катта! Кафедрада бош-қош бўлиб юраверинг!», — деган эътирозларга кошки кўна қолса! Хуллас, ўзларининг ўринларига мени тайинламагунларича тинчимадилар. Барибир, устоз биз учун кафедра маёғидир!

Ҳар бир олимнинг ўрни – илмий-тадқиқотлари натижалари, яратган ўқув қўлланмалари билан баҳоланади. Раҳим Тиллаев «Физикавий кимёдан мисол ва масалалар», «Физикавий кимёдан амалий машғулотлар» ўқув қўлланмаларини рус тилидан таржима қилган. Ўзининг полимерлар физик-кимёси ва термодинамикаси соҳасида 2 та монографияси, ўнлаб услубий қўлланмалари, 450 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. 18 та муаллифлик гувоҳномаси (жумладан, 3 таси Ўзбекистон патенти)га эга. Эндиликда у издошларининг ҳам илм чўққиларини эгаллашларида бош-қош бўлаётир. Зеро, у кишининг раҳбарлигида 3 та фан доктори, 15 та фан номзоди ҳимояни муваффақиятли ёқлаган.

Устоз раҳбарлигида сўнгги йилларда янги бир илмий йўналиш – электрод жараёнларнинг кинетикаси бўйича иш олиб борилмоқда. Натижада республикамиздаги маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида кислотали ва тузли муҳитлардаги коррозиянинг олдини олувчи янгидан янги инкибиторлар ва антикоррозион қопламалар яратилмоқда. Жумладан, ёғ-мой корхоналарининг чиқиндиси ҳисобланган госсипол смоласи асосида металларнинг занглашига қарши хоссага эга бўлган ва турли мақсадларга мўлжалланган бир нечта янги композициялар ўтказилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Олимнинг қатор кашфиётлари мамлакатимиздаги саноат корхоналарида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, Раҳим Тиллаев кўплаб халқаро анжуманларда ҳам иштирок этиб, дунё олимларининг эътиборини қозонган. Жумладан, Германияда, Японияда ва Москвада, Венгрияда, Югославияда, Туркияда бўлиб ўтган халқаро тадбирларда қилган маърузалари, илмий тавсиялари дунё фани ривожига қўшган муносиб ҳисса сифатида баҳоланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Раҳим Тиллаевнинг кўксини 1994 йилда «Шуҳрат» медали, 1998 йилда эса «Олий таълим аълочиси» нишонлари безади. У киши қатор Фахрий ёрлиқлар соҳибидир.

— Мен учун ҳаётдаги энг катта мукофот тақдир насиб этган оилам, фарзандларим, набираларим ва кўплаб шогирдларимдир, — дейди суҳбатдошимиз. — Катта қизим Гулбаҳор изимдан бормоқда. У кимё фанлари номзоди, бирга ишлаймиз. Иккинчи қизим Дилбар тиббиёт коллежида мураббийлик қилмоқда. Бири биридан ширин набираларим Баҳодир, Шуҳрат, Равшан, Эркинжон, Ёлқин, Отабеклар ҳам турли касбларни танлаганлар. Бугун уларга оқ йўл тилаб, дуо қилиб ўтиришдан каттароқ бахт бўлмаса керак.

Қудрат ЭРНАЗАРОВ,
Тўлқин ЭШБЕК.

Таълим ва ислоҳот

Битирувчиларни кузатаман. Уларнинг юз-кўзларида келажакка ёруғ ишонч ва мамнунлик ифодаси намоён. Жондор саноат касб-ҳунар коллежида ўқиётган ёшлар билим ва тажриба орттириб, катта ҳаётга йўлланма олаётганликларидан хурсандлигининг намунаси бу. Коллеж 2000 йилда транспорт, алоқа ва саноат йўналишларида кичик мутахассислар тайёрлашга мўлжаллаб очилганди. 750 ўринли таълим масканида ётоқхонада туришга эҳтиёжи бор талабалар учун 100 ўринли турар-жой ҳам мавжуд. Бу ерда зарур шарт-шароитлар яратилгани боис ёшлар ўзларини уйларидагидек ҳис қилишади.

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

Жондор саноат касб-ҳунар коллежини ёшлар шундай дейишади

— Биз уч йил давомида ўзимиз танлаган соҳа бўйича таҳсил олдик, — дейди имтиёзли диплом олган битирувчи Дилфуза Темирова. — Амалиёт даврида эса ўрганганларимизни синаб кўриб, малакамизни оширдик. Талабалик йилларимиз жуда тез ўтиб кетди. Меҳрибон, бор билимини бизга беришга интилган жонкуяр устозларимиздан кўп нарсаларни ўргандик.

Дилфуза каби фақат аъло баҳоларга ўқиган Музроб Юсупов, Фарид Сафаров сингари талабалар ҳам бошқа тенгдошларига ибрат бўлишди. Уларнинг бири автомобилда юк ташиш ва бошқариш, яна бири ЭҲМ тармоқлари ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассис бўлиб етишишди.



Дарҳақиқат, коллежда уларга ўхшаш билимли, тиришқоқ, теран фикрли ёшлар кўплаб топилади. Сабаби, ўқув юртида уларга сабоқ бериб келаётган 50 дан ортиқ педагог ходимлар ва 20 нафар ишлаб чиқариш усталари ҳам ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик билан келишга, ўзларининг устида ишлашга одатланишган. Бу ерда ўқитувчиларнинг фаолияти бўйича рейтинг йўлга қўйилган бўлиб, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда унинг натижаларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу боисдан бўлса керак, ёшларнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам ўқиш-ишга иштиёқи, интилиши баланд.

Мевали ва манзарали дарахтлар гуркираб ўсаётган коллеж боғи, унинг гулу райҳонлар ифори таралиб турган кўркам ҳовлисини, сарištалик ва тартиб-интизомни кўриб ҳар бир кишининг дили яйрайди. Албатта, бу жамоанинг аҳил-иноқлиги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳам шундай тартибга, яхши одатга ўргатилаётганлигининг белгисидир. Барча қулайликларга эга спорт зали, ошхона, маънавият хонаси, 11800 китоб фондига эга қироатхона ҳамиша гавжум. Кутубхона ахборот ресурс марказига айлантирилгач, унга аъзо бўлаётган ёшлар анча кўпайди. Теннис корти, футбол, волейбол майдончаларида талабалар бўш вақтини кўнгилдагидек ўтказишади. 3 та компьютер, 7 та лингофон хоналари, ўқув лабораториялари замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун етарлича шароит яратилган. Ёш авлод ҳам бунга яхши ўқиши, ҳар бир топшириққа жиддий ёндошиши, амалиёт даврларида тажриба орттиришга интилишлари кучлилиги билан муносиб жавоб қайтаришаётир.

Айни кунларда ўқув муассасасида янги ўқув йилига қабул жараёнлари бошланган. Коллежга ўқувчиларни қабул қилишда махсус консультатив марказ фаолиятидан фойдаланилади. Таълим масканида бўлган кунимиз марказ ишини кузатиб, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари етарлича маълумот олишлари учун тайёрланган турли хил кўргазмали қуроллар, аттестация натижалари билан ҳам танишдик.

Лаборатория машғулотлари ва ишлаб чиқариш амалиётлари илмий ҳамда қизиқарли дарс услублари асосида ташкил этилар экан. Бунда тажрибали устозлар ва ёш ўқитувчиларнинг фикрлари, таклифларидан унумли фойдаланилмоқда. Битирувчиларни иш билан таъминлаш мониторинги ҳам мунтазам олиб борилади. Ўқишни тамомлаб, ишлашни ният қилганларга ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида тажрибали педагоглар маслаҳатлари ва таклифлари билан ёрдам беришаётир.

Ўқув юртида ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ҳам етарлича шароит бор. 14 хил спорт тури бўйича ҳар ойда мусобақалар ўтказиб турилади. 200 нафардан ортиқ ёшлар 8 та йўналиш бўйича иш юритаётган тўгаракларга аъзо бўлиб, машғулотларга мунтазам қатнашиб келишади. Улар турли хил кўрик-танловлар, фан олимпиадаси ва мусобақаларда ҳам яхши натижаларга эришиб, устозларининг ишончини оқлашмоқда. Коллежнинг педагоглар жамоаси Бухоро давлат университети, Бухоро енгил саноат ва озиқ-овқат технология институти, Тошкент давлат техника университети билан яқиндан алоқа ўрнатган. Бу таълим жараёнларида ўз самарасини бераётир.

Коллежда ўқиётган ёшлар касб-ҳунар сирларини эгаллаш баробарида эл-юртга хизмат қилиш, орзуларига етишдек эзгу мақсадлар сари интилиб яшашмоқда. Уларни саодат манзиллари сари етакловчи таълим маскани эса янги қалдирғочларни учирма қилиб, илмга иштиёқманд ёшларни ўз бағрига чорлаётир.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Миллий тикланиш" мухбири. ®

Руҳият ва биз

ҲИС-ТУЙҒУЛАРИНГИЗ «СОҒЛОМ»МИ?

Дунё психологларининг таъкидлашича, кучли стресс, яъни ҳис-ҳаяжонлар кишининг ички аъзоларига таъсир этиб, физиологик ўзгаришларни юзага келтираркан. "Бу эса қон айланиши тизими ишини ёмонлаштиради, танада хасталиклар пайдо қилади", — дейишади тиббиёт мутахассислари.

Қадимги манбалар ҳам ана шу фикрни тасдиқлайди. Масалан, кучли қўрқув натижасида ҳушини йўқотиб, сўнг йигирма йилча "уйқу" ҳолатида бўлган бир аёл академик Павловнинг лабораториясида сақланган. Ёзувчи Густав Флюбер эса китобида Эмма исмли қизнинг заҳарланишини тасвирлаётиб, оғзида маргимуш таъмини сезади ва меъдаси оғриб, тинмай қайт қилади. Бальзак ёзаётган асаридаги қаҳрамонни "ўлдириб" қўйиб, ўзи шу заҳотиёқ юрак хуружига учраган экан. Абдулла Қодирий ҳам севимли қаҳрамони Кумушбибининг жон бериш чоғини ёзиб бўлгач, кўнглида айбдорлик ҳисси кучаяди ва: "Мен Кумушни ўлдириб қўйдим", — деб йиғлайди. Кучли руҳий ҳаяжоннинг тана ҳолатига шу қадар тез таъсир этишидан сезиш мумкинки, стресс саломатлигимизга жиддий хавф туғдираркан!

Яқинда "Соғлом бўлмаган ҳис-туйғулар оғир касалликларга "туртки" беради" деган сўзларни ўқиб қолдим. Хўш, бунинг изоҳи қандай? Мен шунга ўхшаш кўплаб саволларимга жавоб топиш учун бугунги кунда чет эл руҳшуносларининг тажрибалари асосида изланишлар олиб бораётган психолог — Ўзбекистон Миллий университетининг ўқитувчиси Зулхумор Азизовани суҳбатга тортдим.

— Бизнинг ҳис-туйғуларимиз ўта мураккаб, улар баъзан "қатъий тартиб билан чизиб қўйилган" табиатимизга, феъл-атворимизга зид келади ва руҳий оламимизни бирданига остин-устун қилиб юборади, — дейди у. — Биласизми, носоғлом ҳис-туйғулар (яъни умидсизлик, қаҳр, ғазаб, хафагарчилик, айбдорлик, инжиқлик сингарилар)нинг кўпгина хасталикларни келтириб чиқариши шифокор олимлар томонидан ҳам ўрганилган. Масалан, айбдорлик ҳисси эмоционал зўриқишга олиб келади, бунда руҳий мувозанат бузилади. Хафагарчилик оқибатида атрофдагилардан норозилик ҳисси кучаяди, бу ҳол танада хавфли ўсмалар ривожланишига имкон яратади. Инжиқлик — ҳаммага ўз сўзини ўтказишга интилиш бўлиб, у ўз ўрнида танада турли оғриқларни қўзғатади. Кимгадир ғазабини сочган киши ўзи енгиллашади, лекин ўша қаҳр-ғазабнинг асл "уруғ"лари қайсидир аъзосига маҳкам ўрнашиб қолади. Натижада қон босими ошиб, хафақон хасталиги юзага келади. Умидсизлик эса одамни бора-бора лоқайдлик ва дангасаликка, қоларверса, манқуртлик касалига дучор қилади.

— Буларга қарши курашиш учун нималар қилмоқ лозим?

— Аввало, салга асабийлашавермаслик керак. Маслаҳатимиз шуки, ўзаро муносабатларда самимийликни сақланг, ён-атрофдагиларни қадрланг, уларнинг фикрини ҳурмат қилишга одатланинг. Доимо ўзингиз ёқтирган машғулот билан банд бўлинг. Ўзингизни ҳеч қачон камситманг. Агар турмушингизда бўлиб ўтган нохуш воқеалар учун ўзингизни айбдор деб билсангиз, ўша воқеа иштирокчиларини ҳам, ўзингизни ҳам кечиринг. Шундагина енгил тортасиз.

Истасангиз, шундай бир машқни фикран бажаринг: сиз қоқ даланинг ўртасида турибсиз. Шамол қаттиқ эсаяпти. Эслашингиз оғир бўлган хотираларни бир жойга жамланг. Сўнг уларнинг ҳаммасини шамолга "учириб" юборинг ва улар осмон бағрига сингиб бораётганини фикр кўзи билан кузатиб туринг. Хулоса қилингки, бу эзгин хотиралар энди сизни ҳеч қачон безовта қилмайди.

— Биз кўпинча тиғиз иш шароитига дуч келамиз. Баъзан уч-тўрт кунлик юмушни бир неча соатлар давомида уддалаш керак бўлади. Борди-ю, бундай вақтда ўзгалар сени қўллаб-қувватламаса, кайфият тушкунлиги юз бериб, унумли ишлолмайсан. Айтинг-чи, тушкунликдан чиқиш йўллари борми?

— Ўз-ўзини севиш амалда шу мақсад учун ташланган дастлабки одимдир. Сиз ўзингизни кашф этаркансиз, биомайдонингиз нечоғлик кучайиб бораётганини ва атрофингизда кучли руҳий ҳимоя вужудга келаётганини сезиб турасиз. Ҳаёт мураккаб, борди-ю, бирор одам сизга нисбатан салбий қувват оқимини йўналтирса, у ҳолда ўзингизни севинг! Бу муҳаббатни ҳис этиб тураркансиз, биомайдонингиз сизни ҳимоя остига олади, ёмон назарлардан сақлайди, шу тарзда турли тажовузлардан омон қоласиз.

Ёинки, сиз муҳим ишни бажариш ёки ижодга шўнғиб кетишдан аввал кўзгу олдига боринг. Ўз аксингизга жилмайиб боқинг, сўнг "мен айни пайтда ҳамма ишга қодирман, ҳеч ким мақсадимдан қайтаролмайди, чунки жуда кучлиман" деб бир неча маротаба такрорланг. Манманликка берилмаган ҳолда ўзингизни рағбатлантиринг, мақтанг, доимо севиб-қадрланг. Ёшлик туйғулари билан яшанг.

— Демак, халқ тилидаги "ғам қаритади" деган ибора тўғри экан-да?

— Ҳа, рост. Психологик кузатишлар натижаси шуни кўрсатдики, ғам-ғуссага берилган киши танасида тери қуруқшаб, қариш жараёни тезлашади. Бундан ташқари, доимо нимадандир ҳадиксираб, қўрқувда яшаш одамни юрак хасталигига дучор этади. Ваҳимага берилувчанлик эса саратон касаллигига сабаб бўлади. Илгаридан давом этиб келаётган пинҳона стресс "асорати" туфайли соппасоғ юрган киши юрак хуружига учраши ҳеч гап эмас. Негаки, кўп вақт дарду ғамларини ичга ютган кишида шу кечинмаларнинг "заҳар"и астасекин тўплана бошлайди ва бир кун катта кулфатга сабаб бўлади.

— Айтмоқчисизки, одам ўз дарду ҳасратларини ичига ютмай, кимгадир айтиб туриши керак, шундайми?

— Айнан шундай. Ҳар бир инсоннинг тортинмай сирлаша оладиган яқин кишиси бўлиши лозим. Борди-ю, унинг сирлари ўта махфий бўлиб, ўзгага айтишни лозим топмаса кўзгудаги акси ёки бирорта сурат билан (муҳими, овоз чиқариб) сўзлашиши зарур. Одам шу йўл билан ўзини ғам-ташвишлар, ҳис-ҳаяжонлар гирдобидан олиб чиқиб, фалокатдан қутқариб қолади.

— Қадимги Рим саркардалари жангдан аввал бирор жойда қоқилиб кетса, қўшин шай туришига қарамай, жанг қолдириларкан. Сабаби, "қоқилиб кетдими, бас, унинг жисмоний тайёргарлиги яхши эмас, ўзига ишончкам" деб ҳисоблашаркан. Буни психолог сифатида қандай изоҳлайсиз?

— Ташқи аломатларнинг амалий психологияга алоқаси бор. Ўзига ишончи сусайган кишида бора-бора ўз-ўзини бошқаролмаслик ҳолати юзага келади ва идрок жараёни бузилади. Натижада умидсизликка берилиб, ич-ичидан азобланади. Бу ҳол узоқ давом этса, кишини жиддий хасталикка дучор этиши мумкин.

Психолог билан суҳбатлашаётиб бир маълумот ёдимга тушди. Кўҳна Афинадаги Дельфа ибодатхонаси пештоқига "Ўзингни англа" деган ҳикмат ёзилган экан. Шу сиру синоатли дунё ташвишларини елкалаб юрган биз инсонлар гоҳо ўзимизни англай олмасдан оворамиз. Кўпинча ички ҳолатимизни тушунмаймиз ва руҳиятимиз билан тинмай баҳслашамиз. Нега? Наҳот, стресс зарбаларига қарши туриш қийин бўлса? Соғлом ҳис-туйғулар билан яшамоқликнинг иложини қилолмаймизми? Биз бунга қодирмиз-ку! Шундай эмасми?

Худди шу саволга дунё психологлари деярли бир хил тарзда жавоб беришади. "Физиологик ҳолатингизга салбий таъсир кўрсатувчи психологик ҳолатлардан ўзингизни олиб қочинг, атрофингиздагиларга меҳр кўрсатиб, яқинларингизни қўллаб-қувватланг. Ўз иродангизни шундай тарбиялангки, токи жаҳл келганда сиз ўзингизни босишга куч топа билинг. Ана шунда руҳий ҳолатингиз ва жисмингиз аҳволи ўз-ўзидан яхшиланади", — дейишади улар.

Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино ҳам: "Руҳан тетик одамдан ҳар қандай дард йироқлашади", — деган эканлар. Демак, кучли руҳий изтироблардан ўзимизни асраб, гўзал ҳис-туйғулар билан яшасак, кунларимизни эзгу мақсадларга сарфласак ҳаётимиз йўллари чароғон бўла боради, умримиз мазмуни ортади. Буни унутмайлик.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Жаҳон ҳафта ичида

Пост ёнида портлаш

Ливан жанубидаги БМТ тинчликпарвар кучлари пости яқинида портлаш рўй берди. Манбада келтирилишича, ушбу хунрезликдан ҳеч ким жабр кўрмади. Бироқ тинчликпарвар кучлари машинасига жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Айни пайтда дунёнинг 31 давлатидан 13300 нафар аскар мазкур мамлакатда тинчлик ўрнатишга ҳаракат қилмоқда.

Терактлар авж олаяпти

«Рейтерс» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, Покистондаги полиция идораларидан бирида портлаш содир бўлди. Натижада 11 киши ҳалок бўлди, 30 киши жароҳатланди. Манбада келтирилишича, портловчи ускунани камикадзе ҳаракатга келтирган.

Сўнгги икки кун давомида мамлакатда уч маротаба терактлар амалга оширилди. Якшанба куни эрталаб ҳарбийларга кутилмаганда қилинган ҳужум оқибатида 15 нафар киши қурбон бўлди. Шанба куни ҳам бир камикадзе автоколонна ёнида ўзини портлатиб юборди. Натижада 24 киши оламдан кўз юмди.

Гумондорлар қўйиб юборилди

Буюк Британия полицияси шу йилнинг 2 июль куни Лондон ва Глазгода теракт уюштиришга ҳаракат қилганликда гумон қилиниб қўлга олинган икки кишини қўйиб юборди. Уларга нисбатан ҳеч бир айблов эълон қилинмади.

Мукофот миқдори икки ҳисса

АҚШ Сенати биринчи рақамли террорчи Усама бин Ладенни қўлга олишга ёрдам берган шахсга бериладиган мукофот миқдорини икки ҳиссага, яъни 50 миллион долларга оширди. Манбада келтирилишича, мамлакатда теракт хавфи кучайгани учун сенаторлар шундай қарорга келишган. АҚШ Миллик хавфсизлик вазирлиги Майкл Чертофф «ABC» телеканалига берган интервьюсида тан олишича, «Ал-Қоида» жангарилари Покистон ва Африканинг бир қатор мамлакатларида фаоллашиб қолган.

Яқин 25 йил давомида

Айни пайтда дунёда кунига ўртача 84 миллион баррель нефть ишлатиляпти. 2030 йилда бу кўрсаткич 120 миллион баррелга етиши тахмин қилинмоқда.

Агар талаб шу тариқа ошиб борса, яқин 25 йил давомида дунёда нефть ва табиий газ тақчиллиги юзага келади. Американинг «National Petroleum Council» компанияси мутахассислари томонидан тайёрланган махсус маърузада шундай хулосага келинган.

Унда таъкидланишича, бунга Хитой ва Ҳиндистонда нефть маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳаддан ташқари ошиши сабаб бўлмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЧУСТ ДЎППИЛАРИ

Ҳар бир нақши меҳр иплари билан тикилган Чуст дўппиларига тикилиб разм солсангиз, унда миллийлигимиз ифодасини кўргандек бўласиз. Чуст тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида бир яхши анъана бор экан. Маҳалла қизлари бир хонадонга тўпланиб, ҳунар ўрганишга одатланишган.

— Қизларимиз дўппи тикишни ихлос билан ўрганишаяпти, — дейди чевар Барно Солиева. — Айниқса, Моҳичеҳра Раҳимова, Муҳайё Мирзажоноваларнинг қўли гул. Улар шогирд орттиришга ҳам улгуришган.

Зиёда САИДОВА.
Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

Таклиф

ТЕРАКНИ ҚАЕРГА ЭКИШ МУМКИН?

Терак ёғочбоп дарахтлар турига киради. У бошқа дарахтларга нисбатан уч-тўрт баробар тез етилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, мамлакатимиз иқлимига мос теракларни кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, 1994 йил 8 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга катта туртки берди.

Ўзбекистонда ўрмон дарахтлари ўстириладиган ерларнинг ўзига хос хусусиятлари хилма хилдир. Иқлимнинг ўзгарувчанлигини назарда тутадиган бўлсак, бизнинг шароитда ёғочбоп дарахтларнинг мирзатерак, бақатерак, кўктерак навлари жуда қўл келади. Айни пайтда, бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Экин майдонлари кенгайтирилмоқда.

Айтиш жоизки, терак ёғочи нафақат қурилиш хомашёси ҳисобланади, балки ундан юқори навли оқ қоғоз олиш мумкин. Хўш, уларни кўпайтириш учун нималарга эътибор бериш керак?

Маълумки, бизда экин майдонлари деярли банд. Шунинг учун теракларни суғориш иншоотлари, ариқ ва зовур бўйларида етиштиришни жорий этиш зарурати бор. Чунки ер ости сувлари сатҳини доимий равишда пасайтириб туришда тераклар биологик дренаж сифатида таъсир этади. Натижада ернинг устки қатламидан намликнинг буғланиши сусаяди, тузларнинг пастки қатламдан юқорига ҳаракатлари тўхтатилади ва тупроқ шўрланиши жараёнининг олди олинади.

Хуллас, ирригация тармоқлари, коллекторлар ва бошқа сув манбалари атрофига тераклар ўтқазиб, сув омборлари бўйларида саноат аҳамиятига эга бўлган махсус дарахтзорларни барпо этсак, мамлакатимиздаги ёғоч танқислигини тезда бартараф этиш имкони яратилади.

Роҳат ҒАНИЕВ,
Тошкент давлат аграр университети талабаси.

Эртак

ДАРАХТ МЕҲРИ

Қадимда катта олма дарахти бўлган экан. Дарахт ҳар куни бир болакайни интизорлик билан кутар ва у келиши билан хурсанд бўлар экан. Болакай дарахт атрофида ўйнар, шохларига осилиб, унинг олмаларидан ер ва соясида дам оларкан. У дарахтни жуда ҳам яхши кўрар, дарахт ҳам болакайга ўзгача меҳр билан қараркан.

Кунлардан бир кун бола дарахтнинг олдига ғамгин ҳолда келибди. Дарахтнинг: «Кел, мен билан ўйна», — деган сўзига жавобан: «Мен энди сенинг ёнингда ўйнамайман, менга ўйинчоқлар керак, ўйинчоқ олишим учун пул керак», — дебди. Дарахт: «Афсус, менда пул йўқ, лекин олмаларимни териб, сотсанг, пул бўлади», — дебди.

Болакай олмаларни териб олиб кетибди. Орадан анча вақт ўтибди, боладан дарак бўлмабди. Дарахт эса уни интизорлик билан кутарди. Кунларнинг бирида бола қайтиб келибди. У энди улғайиб, оила қурган, навқирон йигит эди. Дарахт хурсанд бўлиб: «Кел, мен билан ўйна», — дебди. Йигит эса: «Сен билан ўйнашга вақтим йўқ, оиламни боқишим, бошпана топишим керак, бизга ёрдам бера оласанми?», — деб сўрабди. «Менда уй йўқ, лекин шохларимни кесиб олиб, улардан уй қуришинг мумкин», — дебди дарахт. Йигит дарахтнинг барча шохларини кесиб олиб кетибди. Шох-шаббаларидан ҳам айрилган дарахт йигит қайтиб келишини яна интиқиб кута бошлабди.

Ёзнинг жазирама кунларида йигит яна қайтиб келибди. Дарахт эса хурсанд қиёфада уни кутиб олиб, «Кел, мен билан ўйна», — дебди. Йигит эса: «Умр ўтиб боряпти. Денгизда саёҳат қилолмаганимдан қайғудаман, менга қайиқ бера оласанми?», — дея сўрабди. «Қайиқ ясаш учун менинг танамдан фойдалан, ниятингга етасан», — дебди дарахт.

Энди танасидан ҳам айрилган дарахтнинг гўёки дунёдан умиди узилгандек кўринса-да, аслида бундай эмасди. Чунки у йигитни ҳамон кутарди. Ва ниҳоят, соч-соқоли оқарган, мункиллаган бир одам дарахт тўнкаси ёнига келиб: «Салом, меҳрибоним», — дебди. Кекса кишини таниган дарахт тўнкаси бир сониягина хурсанд бўлибди-ю, лекин хомуш ҳолда дебди: «Узр, болагинам, ҳеч қандай ёрдам бера олмайман. Сенга берай десам, олмаларим ҳам йўқ». Кекса одам: «Олма ейишга тишларим қолмаган», — дея жавоб берибди. Дарахт: «Аввалгидек чиқишинг учун шох-шаббаларим ҳам йўқ», — дебди. Кекса киши жавоб берибди: «Мен энди қариб қолганман. Дам олиш учун озгина жойдан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Мен чарчадим, энди ором олмоқчиман».

«Қари дарахт тўнкаси дам олиш учун энг яхши жой. Кел, ўтир, ором ол, қадрдоним», — дебди меҳрибонлик билан дарахт тўнкаси.

Кекса одам секин-секин юриб келиб, тўнка устига ўтирди ва узоқ-узоқларга тикилганча жим қолди...

Инглиз тилидан Илғор ХАЛИЛОВ, Шерзод ХУДОЙҚУЛОВ таржимаси.

Частное предприятие «HAYOT-FAYZ» преобразовывается на совместное предприятие "ARG ALGORITM", в форме общества с ограниченной ответственностью.
В связи с этим все притензии принимаются в течении одного месяца, со дня опубликования данного объявления.
Претензии принимаются по телефону: 167-70-46.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 623.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2100
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди 20.15